

Мўминжон САЙДАЛИЕВ

ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ



Тошкент 2014

УЎК: 37.088.15

КБК: 74.200.56

С 22

Муаллиф «Соғлом бола йили» дастури тадбирлари доирасида ёзилган ушбу рисолада ёшларни оилага тайёрлашга доир оила жамиятнинг асоси, эр-хотин одоблари, фарзанд тарбияси, ҳаё, қаноат, яхши хотин, ота-онага ҳурмат каби қатор мавзуларда фикр юритади ва бу масалаларни оят ва ҳадислар асосида ёритиб беради.

Илоҳи, хонадонингиз файзга тўлсин. Имон, меҳр-муҳаббат нури дилингни, йўлингизни ёритсин.

Сайдалиев, Мўминжон

Ёшларни оилага тайёрлаш / М.Сайдалиев; масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2014. – 60 б.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 3113-рақамли
хулосаси асосида тайёрланди.*

УЎК: 37.018.15

КБК: 74.200.56

ISBN 978-9943-12-281-9

© Мўминжон САЙДАЛИЕВ

© «Movarounnahr» , 2014.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ

Сўзбоши ўрнида

Фарзанд ота-онага Аллоҳ таоло берган бебаҳо неъмат ва омонатдир. Унинг тарбияси энг муҳим ишлардандир. Бола қалби пок, нозик, содда ҳамда ҳар қандай нақш ва суратдан холи гавҳардир. Унга қандай нақш солинса, шунга қўра шаклланади, эгган томонга эгилади. Агар бола яхшиликка ўрганиб, яхшилик ичида вояга етса, дунё ва охира-рат саодатини топади. Савоб ишларни қилиб ҳаёт кечиради. Албатта, унинг ота-онаси, муаллими ва унга тарбия берган ҳар бир киши бу савобга шерик бўлади. Бу бебаҳо неъматга қандай муомала, муносабат ва эътиборда бўлиш ҳақида динимиз таълимотларида нима дейилган? Уларни оилага тайёрлаш ҳақида қандай тавсия ва кўрсатмалар берилганини ўрганамиз. Агар бола эътиборсиз ташлаб қўйилса, ёмонлик ичида ўсса, бадбахтликка юз тутуди ва ҳалок бўлади. Бунда гуноҳ юки бола шу ҳолга тушишига эътиборсиз бўлганларнинг, ота-онанинг зиммасига юкланади.

Фарзанд Аллоҳ таолонинг инсонларга берган буюк неъмат ва эҳсони бўлиб, у гуноҳсиз ва безор бўлиб туғилади. Бу хусусда Каҳф сурасининг 46-оятида: **“Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир”**, дея марҳамат қилинган. Ҳа, бола оиланинг зийнати, безаги, хазинасидир. Бу зийнатга эга бўлиш учун ҳар бир ота-она Аллоҳ таолодан солиҳ фарзанд сўраб дуо қилиши керак. Қуръони каримга назар ташласак, пайғамбарларнинг аксари Аллоҳ таолодан по-

киза фарзанд неъматига эга бўлишни сўраб, дуо қилганларини кўрамиз. Масалан:

Закариё (алайҳиссалом) Аллоҳ таолога қуйидагича дуо қилганлар:

«Ўша жойда Закариё Раббига илтижо қилиб, деди: “Раббим, менга (ҳам) ўз ҳузурингдан пок зурриёт ато эт! Дарҳақиқат, Сен дуони эшитувчидирсан”» (Оли Имрон, 38).

Ояти каримадан кўриниб турибдики, Закариё (алайҳиссалом) Аллоҳ таолодан пок зурриёт сўраб дуо қилмоқдалар. Зотан, диннинг ривожини, миллатнинг давомийлигини, юртнинг тинчлигини ана шу солиҳ фарзандларга боғлиқдир.

Фарзандга чиройли исм қўйилади

Аллоҳ таоло ҳадя этган фарзандга чиройли исм қўймоқ ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Алҳамдулиллоҳ ҳозирги кунда бу бурчни кўпчилик ота-оналар кўнгилдагидек адо этмоқдалар.

Муҳаммад ибн Сириндан, мен Абу Ҳурайрадан эшитдим, у киши шундай дер эдилар: “Абул Қосим (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менинг исмим ила исмланинглари. Куням билан куняланманглари”, дедилар.

Бизлар фарзандларимизга “Муҳаммад”, “Аҳмад”, “Маҳмуд”, “Ҳомид” деб Пайғамбаримизнинг исмларини қўйишга буюрилганмиз. Бу исмлар исмларнинг энг яхшилари дир.

Саҳобийлардан бўлган Абу Ваҳб Жушамийдан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Пайғамбарлар исми билан исмланинглари. Аллоҳ учун исмлар ичида энг маҳбуби “Абдуллоҳ” ва “Абдурахмон”, энг содиқи “Ҳорис” ва “Ҳаммам”, энг ёмони “Ҳарб” ва “Мурра” дир”, дедилар (Абу Довуд ва Имом Аҳмад ривояти).**

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) не боис “Пайғамбарлар исми билан исмланинглар”, дедилар? Чунки, уларни Аллоҳ таоло ўз рисолатини одамларга етказиш учун танлаб олди. Улар одоб-ахлоқ, муомалада энг комил инсонлар саналадилар ва уларнинг исми ҳам энг гўзал ва чиройли исмлардандир. Ҳадисда ҳам пайғамбарларнинг исмини кўйиш тарғиб этилмоқда. Қуръони каримда номлари зикр қилинган йигирма беш пайғамбар исми билан исмланиш, айниқса, пайғамбарлар саййиди бўлган Муҳаммад мустафонинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) исмлари билан исмланиш марғуб ва махбуб амаллардан саналади.

Шу билан бирга, ушбу ҳадисда кўпчилик орасида тарқалган нотўғри бир тушунчага қаттиқ раддия берилмоқда. Баъзилар фарзандига бирон-бир пайғамбарнинг исмини кўйганларида ёки Муҳаммад Амин, Муҳаммад Айюб каби қўшалок исмларни кўйганларидан сўнг, маълум сабабларга кўра ўша фарзанд хасталаниб қолса, буни исмдан кўриб, “Пайғамбарнинг исми унга оғирлик қилмоқда”, деган нотўғри фикрга борадилар. Аслида пайғамбарларнинг исми бандага фойдали бўлса бўладики, аммо ҳеч қачон зарар келтирмайди. Тўғри, пайғамбарлик вазифаси ва масъулияти жуда ҳам оғир бўлган, аммо бу билан маълум пайғамбарнинг исми орқали унинг масъулияти ва вазифасининг оғирлиги янги туғилган чақалоққа ўтиб қолмайди. Бундай бузуқ тасаввур ва шубҳалар шайтоннинг васвасасидандир. Шу сабаб бу борада эътиқодимизни тўғрилаб олишимиз, пайғамбарларнинг исмидан шумланмаслигимиз лозим. Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари: “Пайғамбарлар исми билан исмланинглар”, деб тавсия қилиб турганларидан кейин,

қайси бир банда: “Пайғамбарнинг исми фарзандимга оғирлик қилди”, дейишга журъат қила олади. Бу сўзни тушунмаган инсонгина билмасдан айтиб қўяди. Агар ростдан ҳам пайғамбарлар исми болага оғирлик қилганида ёки унинг бирон дардга чалинишига сабабчи бўлганида, ўз умматлари учун ўта меҳрибон бўлган зот Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бизларни бу нарсдан огоҳлантирган бўлар эдилар.

Фарзанд дунёга келганда нималар қилинади?

Фарзанд дунёга келганда нималар қилиш кераклигини Пайғамбаримиз қуйидагича баён этдилар.

Ҳазрат Али ўғиллари Имом Ҳусайн (розияллоҳу анҳу) томонидан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда эса Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки туғилган фарзандининг ўнг қулоғига азон ва чап қулоғига такбир айтса, у болага Умму Сибён деган жин зарар етказа олмайди”, дедилар.

Самурата ибн Жундубдан (розияллоҳу анҳу): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир чақалоққа ақиқаси гаровдир, бола етти кунлик бўлганда жонлиқ сўйилади, унга исм қўйилади ва сочи олинади”, дедилар.

Ушбу ҳадисга биноан, ақиқа қилиш суннат амаллардан ҳисобланади. Мазҳабимиз ҳукми эса мустаҳабдир. Жонлиқ чақалоқнинг 7-, 14-, 21 - кунлари сўйилади. Агар бу кунларда сўйишга қодир бўлмасалар, қачон қодир бўлганларида сўядилар. Ҳозирда баъзилар чақалоққа 7 кун бўлмасданок ақиқа қилишмоқда. Бу Пайғамбаримиз тавсияларига мос эмасдир. Ҳар бир амални ўз вақтида бажармоқлик марғуб ва матлубдир.

Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) айтади: “Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) набиралари Ҳасан ва Ҳусайнлар учун биттадан қўчқор сўйиб, ақиқа қилдилар”.

Бадантарбия

Пайғамбаримиз фарзандларимизнинг жисмонан бақувват бўлишлари учун уларни сувда сузиш ва шунга ўхшаш спортнинг бошқа турлари билан ҳам шуғулланишга тавсия берганлар.

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Фарзандларингизга сузишни, чавандозликни ва мерганликни, қизларингизга эса тикишни ўргатинглар”, дедилар.

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мўмин кишининг кўнгилочар ўйини сувда сузишдир. Аёллар учун эса ип йиғиришдир”, дедилар.

Қиз фарзандлар тарбияси

Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу): Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки уч қизни едириб ичирса, одоб-ахлоқли қилса ва уларга қўлидан келадиган яхшилигини қилса, бас, у жаннатидир”, дедилар. Бошқа бир ривоятда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимки уч қизининг ё уч сингисининг, ёки икки қизининг ва ё сингисининг суҳбатини чиройли қилса ва улар ҳақида Аллоҳдан қўрқиб бурчларини ўтаса, у жаннатидир”, дедилар.

Яна бошқа ҳадисда, Ибн Мункадирдан (розияллоҳу анҳу), Набий (соллаллоҳу алайҳи ва сал-

лам): “Кимда ким учта қизи бўлса ёки учта синглиси бўлса, бас, уларни едирса, ичирса ва бошпана берса ва уларни жойласа (яхши кишиларга турмушга чиқарса), раҳму шафқат қилса, ўша киши жаннатга киради”, дедилар. Улар: “Иккита бўлса-чи?”, дейишди. У зот: “Иккита бўлса ҳам”, дедилар. Агар саҳобалар “Битта бўлса-чи?” деганларида, Расулуллоҳ: “Битта бўлса ҳам”, дер эдилар.

Фарзандларимизни имонли, эътиқодли, илмли, ҳунарли, аждодларнинг қадриятларини қадрлайдиган, ўзлигини танитиб тарбияламоқ ҳар бир ота-онанинг бурчидир. Бу борада жаноб Пайғамбаримиздан Абу Саид ва Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) бу ҳадисни ривоят қиладилар:

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳар бир гўдак (ислом) фитратида туғилади. Лекин ота-онаси уни ё яҳудий, ё насроний, ё мажусий қилади”, дедилар.

Саодат асрида Ҳаким ибн Ҳизом исмли саҳоба бор бўлиб, у Хадича онамизга қариндош бўлган. Ҳаким ибн Ҳизом олижаноб, сахий ва яхшиликни севувчи бир киши бўлиб, жоҳилият даврида қизларини тириклай ерга кўмишга қасд қилган кишилардан уларни сотиб олиб, ҳаётини сақлаб қоларди. Шу саҳоба бир куни Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Жоҳилият даврида қилган яхшиликларимнинг менга фойдаси тегадими?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сенинг бу гўзал амалларинг Исломга киришингга сабабчи бўлди”, деб жавоб бердилар.

Абу Саид ва Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Кимга Аллоҳ таоло фарзанд берса, чиройли исм қўйсин ва гўзал одобда тарбияласин. Вақтики фарзанд

балоғатга етса, уйлантирсин (қиз бола бўлса турмушга берсин). Агар уйлантирмаса (ёки турмушга чиқармаса) ва шу туфайли фарзанди гуноҳ иш қилса, Аллоҳ таоло унга ҳам, отасига ҳам гуноҳ ёзади”.

Ҳадиси шарифдан кўришиб турибдики, ота-она фарзандини гўзал одоб-ахлоқ соҳиби қилиб тарбиялаш билан бирга, уни имонли, илмли, ҳунарли, меҳнатсевар, иффату ҳаёли, қаноатли, сабру матонатли, миллий қадриятларни қадрлайдиган, яқинларини ҳурмат қиладиган, ватанига фидойи комил инсон қилиб вояга етказмоғи шарафли бурчидир.

Ҳусни хулқ

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): “Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралди. Бас, у зот: “Аллоҳга тақво қилиш ва ҳусни хулқ”, дедилар. У зотдан яна одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўралди. Бас, у зот: “Оғиз ва фарж”, дедилар.

Аллоҳга тақво қилиш нима эканини ва уни адо этиш билан банда олий даражаларга етишишини ҳаммамиз яхши биламиз. Банда ўзининг ҳусни хулқи билан ҳам Аллоҳга тақво қилиш билан эришган олий даражаларга эришиши мумкин.

Аллоҳга тақво қилишга ҳусни хулқ ҳам қўшилса, қанчалар улуғ иш бўлар эди. Зотан, бу икки нарса бир-бири билан чамбарчас боғлангандир.

Банда ўзининг оғзидан чиққан бир оғиз сўз орқали улкан саодатга эришгани каби, катта бадбахтликка йўлиқиши ҳам мумкин. Шунинг учун тилга эҳтиёт бўлиш керак. Шунингдек, банда фар-

жини ҳаромдан тиймаса, дўзахи бўлиши турган гап. Бу борада ҳам ўта ҳушёр бўлмоқ зарур.

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга маҳбубларингиз ва қиёмат кунда мажлис жиҳатидан яқинларингиз ахлоқи яхшиларингиздир. Менга ёмон кўринганларингиз ва қиёмат кунда мендан узоқларингиз сергап-эзмаларингиз, ахлоқсиз сўзларни сўзловчиларингиз ва мутафайқиҳлардир”, дедилар. Шунда саҳобалар: “Ё Расулуллоҳ, сергап ва ахлоқсиз сўзларни айтувчини билдик. Аммо мутафайқиҳлар деганингиз ким?”, дейишганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мутакаббирлар”, дедилар (*Имом Термизий*).

Ҳаё

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаё имондандир”, дедилар.

Яна бир ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳаё ва камгаплик имоннинг икки шохчасидир. Уят сўзлар ва сергаплик эса мунофиқликнинг икки шохчасидир”, дедилар. Бошқа бир ҳадисда эса: “Ҳар бир диннинг хулқлари бордир. Исломнинг хулқи эса ҳаёдир”, деганлар.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Менга жаннатга энг аввал кирадиган уч киши маълум қилинди: шаҳид, ифбатли бўлиб иффатини сақлаб Аллоҳнинг ибодатини яхши қилган ва мавлоларига насиҳат қилган банда”, дедилар (*Имом Термизий*).

Ибн Умардан (розияллоҳу анҳу): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ота-оналарингизга яхшилик қилинг, болаларингиз сизга яхшилик қилади. Ўзингиз ифбатли бўлинг, аёлларингиз ифбатли бўлади”, дедилар (*Табароний*).

Қаноат

“Аллоҳ (Ўзи) хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилур ва (хоҳлаган кишиларнинг ризқини) танг қилур. (Мушриклар) мана шу дунё ҳаёти билан шодмон бўлдилар, ҳолбуки, бу дунё ҳаёти охират олдида фақат (бир арзимас) матодир (Раъд, 26).

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) ўғлига насиҳат қилиб: “Ўғлим, агар Худодан бойликни сўрасанг, қаноат неъматин билан сўрагин. Чунки қаноати бўлмаган инсоннинг ҳар қанча моли бўлса ҳам бой бўлолмайди”, дедилар.

Абу Амр Сайбонийдан: «Мусо (алайҳиссалом) Аллоҳ таолодан: “Ё Раббим, қайси банданг Сенга суюклироқ?” деб сўради. Аллоҳ таоло: “Мени кўп эслайдигани”, деди. “Ё Раббим, қайси банданг Сенинг наздингда одилроқ?” Аллоҳ таоло: “Ўз нафсини тергаб турадигани”, деди. “Ё Раббим, қайси банданг энг бой?” Аллоҳ таоло: “Берган ризқимга қаноат қилувчиси”, деди.

Абу Али ибн Сино: “Киши учун энг фойдали, дилини ёритувчи нарса қаноатдир. Энг зарарли ва нафратланарли нарса эса ҳирс ва ғазабдир. Бошқаларда кўрганини қаттиқ истамаслик ҳам қаноат саналади”, деганлар.

Доимо гувоҳи бўлган бир ҳолатни айтиб ўтайлик. Тўй-маъракаларда дастурхонга тортилган турли ноз-неъматлардан тановул қилиб турган ҳолларида: “Яшаш қийин бўлиб қолди-да...” дея нолишади. Дарҳақиқат, Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) айтганларидек: “Қаноати бўлмаган инсон нолишдан ҳеч тўхтамайди”.

Инглизларда гап топилмаса, об-ҳаво ҳақида гаплашар экан, аммо ҳозир бизларда гап топилмаса, тирикчилик ўтказиш қийин бўлди, деган мавзуда суҳбат кетади. Ҳолбуки, эътибор берсак, катта дабдаба ва харажат билан тўй беришади. Мақсад ўғлини уйлантириш эмас, тўй бир баҳона, одамларга ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйиш, хотини эса қўшниларни лол қолдириш учун қудалар билан ким ўзарга мусобақалашади.

ҲИКОЯТ: Бир куни Салмон Форсийнинг (розияллоҳу анҳу) олдиларига меҳмон келди. Салмон Форсий (розияллоҳу анҳу) меҳмонга арпа нони билан туз олиб чиқдилар. Шунда меҳмон дедик: “Қани энди, шу нон билан қатиқ бўлса, яхши бўлур эди”. Салмон Форсийнинг (розияллоҳу анҳу) уйларида у нарса топилмади. Сўнгра таҳорат оладиган офтобасини гаровга қўйиб, қатиқ келтирдилар. Меҳмон еб бўлгандан кейин дуо қилди: “Ҳамдлар бўлсин Худогаки, берган ризқу насибасига бизларни қаноатли қилди”. Салмон Форсий (розияллоҳу анҳу) дедилар: “Агар сенда қаноат бўлганда эди, менинг офтобам гаровга қўйилмас эди”.

Салама ибн Убайдуллоҳ ибн Муҳсин Ансорий (розияллоҳу анҳу) оталаридан: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулик бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан”, дедилар.

Ибн Аббосдан (розияллоҳу анҳу): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳим! Менга берган ризқингда қаноатли қилгин, уни мен учун баракотли қилгин ва барча йўқотганларим ўрнини хайрлиси билан тўлдиргин”, деб дуо қилар эдилар.

Касб-ҳунар

“Агар Аллоҳ бандаларининг ризқларини кенг-мўл қилиб юборса, албатта, улар ер юзиде тажовузкорликка ўтиб кетган бўлур эдилар...” (Шўро, 27).

Шақиқ ибн Иброҳим (рахматуллоҳи алайҳ) ушбу ояти каримани шундай шарҳлаганлар: “Агар Аллоҳ таоло бандаларига касб-ҳунарсиз ризқ-рўз берганида, улар бекор қолиб, оқибатда бузилиб кетардилар. Лекин бузғунчиликка бўш вақт топмасинлар, дея уларни касблар билан шуғуллантириб қўйди”.

“Ким ҳалол касбдан чарчаб келиб кечқурун ухласа, ўша кечанинг ўзида гуноҳлари кечирилади”.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Шундай гуноҳ борки, уни на намоз, на рўза, на ҳаж ва на умра ўчира олади”, дедилар. Саҳобаи киромлар: “Ё Расулуллоҳ, у гуноҳни нима ўчира олади?” дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳалол ризқ топиш йўлида ғам чекувчининг ғами”, дедилар.

Ойшадан (розияллоҳу анҳо): Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ризқларингизни ва ҳожатларингизни эрта саҳарда талаб қилинглар. Чунки саҳарда ҳам барака, ҳам нажот тарқатилади”, дедилар.

Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳу), Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳалол ризқни талаб қилиш фарз амалларидан кейин турувчи фарздир”, дедилар.

“Аллоҳ таоло дейди: Эй одам боласи, Менинг ибодатим учун вақт ажрат, қалбингни қаноат билан тўлдираман ва муҳтожлигингни кетказаман.

Агар ундай қилмасанг, қалбингни ташвишларга тўлдираман ва камбағаллик сенга ҳамроҳ бўлади”.

Дарҳақиқат, азизлар, ҳар бир мўмин банда умргузаронлик қилиши учун Аллоҳ таоло яратган ҳалол нарсаларни яхшилаб билиши, касбидаги, ишидаги муомалаларда, олди-бердиларда қайси ҳолатлар ҳалолу қайсиниси ҳаром эканлигини ўрганиб билиши фарз.

Қирқ фарз баёни

Исломда бешта фарз бор: имон, намоз, рўза, закот, ҳаж.

Имонда еттита фарз бор: Аллоҳга, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга, охират кунига, қадарга, ўлгандан сўнг қайта тирилишга имон келтириш.

Намозда ўн иккита фарз бор: ташқаридаги фарзлари олтита бўлиб, булар: бадан поклиги, кийим поклиги, жой поклиги, қиблага юзланиш, намозни вақтида ўқиш, дилдан ният қилиш. Намоз ичидаги фарзлари ҳам олтита: такбири таҳрима, қиём, қироат, руку, сажда, охирги қаъда.

Таҳоратда тўртта фарз бор: юзини ювиш, қўллари тирсаклари билан қўшиб ювиш, бошини тўртдан бирига масҳ тортиш, оёқларини ювиш.

Таяммумда тўртта фарз бор: ният, пок тупроқни қасд қилиш, икки қўлини тоза ер жинсига уриб юзга масҳ тортиш, икки қўлини яна бир бора тоза ер жинсига уриб тирсак билан қўшиб қўлига масҳ тортиш.

Маърифий-тарбиявий соҳада бешта фарз бор. Илм олиш, амру маъруф, наҳйи мункар, ҳайз ва нифос ҳақидаги илмларни билиш, ризқни ҳалол йўл билан топиш – касб қилиш.

Ғул ҳақида

Ғулда 3 та фарз бор:

Оғизни ювмоқ; бурунни ювмоқ; бутун баданга сув етказмоқ.

Оғизни чайқаш.

Оғизни албатта яхшилаб чайқаш ғулнинг фарзларидан бири экани ҳаммага маълум. Бусиз ғул бўлиши мумкин эмас.

Бурунни чайқаш.

Бурунни яхшилаб, муболаға ила чайиш ҳам ғулнинг фарзи ҳисобланади.

Баданнинг барча ерини ювиш.

Бутун танани, бирор туки остини ҳам қўймай, сув етказиб ювиш ҳам ғулнинг фарзидир.

Ғулнинг фарзлигига “Моида” сурасидаги олтинчи оят далилдир: **“Агар жунуб бўлсангиз, обдон покланингиз (чўмилингиз!)”**.

Ғул қилиш одоблари

Ғул ҳам таҳоратга ўхшаш инсон жисмини поклаш ва зийнатлаш воситасидир. У ҳам худди таҳоратга ўхшаб гоҳида фарз, гоҳида вожиб, гоҳида мустаҳаб бўлади.

Ғулнинг шариатга киритилишининг ҳикматлари кўп. Аввало, у ибодат, поклик, озодалик ва соғлиқ учун ўта муҳим омил саналади. Жинсий яқинлик ва эҳтиломдан кейин ғул қилган одамда қон юриши яхшиланади ва тетиклик тикланади. Шунингдек, ният билан қилинган ғул туфайли гуноҳлар ҳам ювилади.

Ғул қуйидаги ҳолатларда фарз бўлади:

Шаҳват билан отилиб келадиган маний тушганида.

Жинсий алоқа қилинганда.

Уйғонган киши ўзида маний ёки мазийни кўрганда.

Аёлларда ҳайз ва нифос тўхтаганда.

Жума, икки ийд намози, эҳром ва Арафа учун эса ғул қилиш суннатдир.

Барча ҳужжат-далилларни синчиклаб ўрганиб чиққан фуқаҳоларимиз ғулсни аввалдан-охиригача қуйидаги тарзда баён қиладилар:

Дастлаб ғул қилувчи киши тасмия (Бисмиллаҳир роҳманир роҳим) айтади ва ният қилади. Кейин икки қўлини ювади. Кейин орқа, олд фаржини ювади. Баданида нажосат бўлса, ювиб кетказди. Кейин худди намозга қилгандек таҳорат олади. Албатта, бунда оғиз-бурунни муболаға билан (маромига етказиб) чайқаш зарур. Агар турган жойида сув тўпланадиган бўлса, оёқларини ювишни кейинга суради. Сўнгра бошига сув қуйиб, ишқалаб ювади. Баданига уч марта, ўнг елкасидан бошлаб сув қуяди, кейин чап елкасига қуяди. Қўли билан баданини ишқайди. Икки қулоғи, киндиги, қўлтиқ ости каби сув етиши қийин жойларига алоҳида эътибор беради. Ғулнинг охирида бошқа тарафга ўтиб, оёқларини ювади. Сув тўпланмайдиган жой бўлса, оёқларини ўша ерда ювиб олаверади.

Кимда ким жуфти ҳалоли ила кўнглихушликни хоҳласа “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим”, “Аллоҳим бизни ва бизларга берилажак зурриётларимизни шайтоннинг ёмонлигидан сақлагин”, дейди. Агар Аллоҳ фарзанд тақдир қилган бўлса, шайтон унга зарар қилмас”, дейилган. Кўнглихушлик ирода этган эр-хотин юқоридаги сўзни доимо, умри охиригача айтгуси.

Кўнглихушлиқдан сўнг қилинадиган ғулнинг яна бир тартиби: Йигирма минутлардан сўнг ҳожатхонага бориб бавл қилинади. Бўшанган бўлсин ва ё

бўлмасин орқа ва олд томонларини ювиб, баданига теккан нарсаларни ҳам ювиб ташлайди. Сўнг таҳорат қилади. Сўнгра: “*Наввайту ан ағтасила минал жанабати лирафил ҳадаси ва истибаҳатан лиссолати тақаррубан миналлоҳи таала Аллоҳу акбар*”, деб ният қилади. Маъноси: бетаҳоратликни кетказиш учун намоз ўқишга яроқли бўлиш мақсадида жунубликдан покланиш ва Аллоҳ таолога яқинлик ҳосил қилиш нияти ила ювинмоқни ният қилдим, Аллоҳу акбар. Уч бора оғизларини ғарғара қилиб чайди, уч бора бурнини димоғи ачийдиган ҳолатда чайиб, сўнгра барча аъзоларини уч бора ювади. Сочикқа артиниб бўлгач, хоҳласа икки ракат намоз ўқийди.

Ғуслнинг одоблари ҳам худди таҳоратнинг одобларига ўхшайди. Аммо ғуслда қиблага қараш йўқ.

Тирноқ ораси ёки устида бўлган ва тирноққа, терига, кўз, қош, қовоқ, лаб ҳамда соч толаларига сувни ўтказмайдиган турли бўёқ ва лаклар ғуслнинг комил бўлишига тўсқинлик қилиб, уни нуқсонли қилади. Сув ўтказса, ғусл комил бўлади.

Ғуслда қуйидаги нарсалар макруҳдир:

Сувни исроф қилиш.

Сувни ўта оз ишлатиш.

Сувни юзга уриб, сачратиш.

Дунёвий гапларни гапириш.

Узрсиз бошқадан ёрдам олиш.

Дуо қилиш.

Ёшларни оила қуришга тайёрлаш

Ёшларга талоқ илми, жинсий алоқадаги ҳаром ва ҳалол илми, ғусл, таҳорату намоз илми, эрхотиннинг бир-биридаги ҳақлари ва бурчлари, оила тежамкорлиги илми ва ҳоказолар, албатта, тўй бўлишидан хийла олдин ўргатилиши керак. Шу боис ҳам “Ёшларни оилага тайёрлаш” курс-

ларини ташкил қилиш эртанги кунга қолдириб бўлмайдиган долзарб юмушдир. Бу борада имом домлалар, отинойилар мутасадди ташкилотлар билан биргаликда “Ёшларни оилага тайёрлаш” курсларини ташкил этишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар бу хайрли иш амалга ошса, албатта, имом домлаларимизнинг барчалари фаол иштирок этадилар. Зотан, оилаларни яраштириш комиссиялари фаолиятида имомлар доимо иштирок этиб келмоқдалар.

Ислом университети ёшларни оилага тайёрлашдек хайрли иш ташаббускорига айланди. Улар аёл-қизлар учун алоҳида, йигитлар учун алоҳида курслар ташкил этиб, ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. Бу ғоятда таҳсинга лойиқ хайрли ишдир. Кўпчилик биргаликда астойдил ҳаракат қилса, оилаларнинг бузилиши олди олинар ва болалар етим бўлмас эди. Келажакда миллатимизнинг обрўсини оширадиган фарзандлар туғилар эди. Солиҳ зурриётлар дунёга келиши, халқимизнинг бир-бири билан ўзаро тотувликда, ҳамжиҳатликда ҳаёт кечириши учун пойдевор бўлар эди. Миллатнинг умумий бахти, саодатли эртаси учун бугун ҳаракат қилиш шарт. Ҳаракат биздан, баракат Аллоҳдан!

Оила жамиятнинг асосидир

Оила жамиятнинг асосидир. Оилалар йиғиндиси жамиятни ташкил этади. Оила мустаҳкам бўлса, демакки жамият, мамлакат ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлади. Оиладаги эру хотиннинг ҳуқуқ, бурч ва масъулиятлари Ислом динида батафсил кўрсатиб берилган. Сарвари олам Муҳаммад мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қиз-

ларнинг ҳуқуқини оширишда нафақат Ислом умматига, балки кишилик жамиятига ибрат ва намуна бўдилар.

Демак, ҳар бир фарзанд оилада таваллуд топиб, илк одоб-ахлоқ ва тарбияни, ҳаёт кўникмаларини ота-онасидан ўрганар экан. Бунда ота-онанинг ўзлари фарзандлар тарбиясида қанчалик масъул эканликлари ва бу улуғ масъулиятни қанчалик ҳис қилишлари муҳимдир. Оиладаги ўғил ва қиз фарзандларнинг ҳар бирига яраша одоб-ахлоқ ва тарбия усуллари мавжуд. Бу ишда онанинг ўрни беқиёсдир. Фарзанд эл-юрт хизматига камарбаста, ахлоқан баркамол инсон бўлиб вояга етишида она билан баробар отанинг ҳам масъулияти каттадир.

Беҳад шукрлар бўлсинки, Истиқлолдан кейин юртимизда оила қадри ва шаъни юксакларга кўтарилмоқда. Бош қомусимиз – Конституцияда ҳам «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деб, оиланинг ўрни қатъий белгилаб қўйилган.

Ислом дини таълимотида оиланинг мустаҳкам, тинч ва фаровон бўлишида солиҳа аёлнинг ўрни муҳимлиги таъкидланади. Эркак ва аёл илоҳий никоҳ ришталари туфайли бир хонадонда, бир оилада аҳил, тотув яшашлари, насл давомийлигининг таъминланиши Яратганнинг улуғ мўъжизаси ва ҳикматидан далолатдир. Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодлар бардавомлигини таъминлайдиган, эзгу урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини унутмаслигимиз керак.

Оилалар мустаҳкам, авлодлар тарбияси гўзал бўлишида жаноби Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи

ва саллам) сийратлари, аҳли аёлларига қанчалик шафқатли, меҳрибон чиройли хулқли ва раҳмли бўлганларидан ибрат ва намуна олишимиз керак. Ибн Ҳиббон (розияллоҳу анҳу) ҳазрати Ойша онамиздан ривоят қилган ҳадисда жаноб Пайғамбаримиз: “Сизларнинг энг яхшиларингиз аҳли аёли, оиласига яхшилик қилганларингиз ва мен ҳам ўз оиламга яхшилик қилгувчироқман”, дедилар. Буюк шоир, ғазал мулкининг султони Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўзининг кўплаб асарларида оила ва фарзанд тарбияси борасида ибратли фикрларни айтган. Навоий бола тарбиясига унинг гўдаклигидан эътибор бериш кераклигини айтади: “Аввал фарзандига яхши бир исм қўйсин, кейин яхши муаллим – ўқитувчи танласин”.

Никоҳланиш

“Никоҳ” сўзи луғатда “қўшиш”, “яқинлик”, “боғланиш” маъноларини англатади. Никоҳдан асосий мақсад – зурриёт қолдириш ва ҳаромдан сақланиш, асосий шартлардан бири келинга куёв томонидан маълум бир ҳадя – маҳр берилишидир. Никоҳсиз қўшилиш зино ҳисобланади.

Ислом динида никоҳ – бу Аллоҳнинг амри, Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатлари билан гувоҳлар ҳузурида боғланадиган муқаддас ришта. Аллоҳ таоло ўзининг муборак каломида бандаларига қарата шундай хитоб қилади: **“Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратгани ва ўртангизда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир. Албатта, бунда тафаккур қиладиган кишилар учун аломатлар бордир”**.

Никоҳнинг учта асосий шарти бор: 1. “Ийжоб ва қабул”, яъни бирининг оғзаки таклифи ва иккинчи томоннинг бу таклифни қабул қилиши. Ийжоб ва қабул очиқ сўзлар билан изҳор қилиниши керак. Яъни: кув “Жуфту ҳалолликка қабул қилдим”, келин эса “Жуфту ҳалолликка бағишладим”, дейди. 2. Никоҳ чоғида камида икки эркак гувоҳнинг ҳозир бўлиши шарт, гувоҳларсиз қилинган никоҳ ҳисобга ўтмайди. 3. Маҳр белгиланиши, яъни эр томонидан хотинга бериладиган совғанинг миқдори ёки нималиги аниқлаб олиниши керак. Минг афсуски, ҳозирги пайтда айрим инсонлар никоҳнинг асоси бўлган мана шу учта шартни унутиб қўймоқдалар.

Никоҳда қандай инсонлар гувоҳ бўлиши, уларнинг шарти ҳақида ҳам озроқ ўйлаб олсак, гувоҳлиги қабул бўлиши учун улар адолатли инсонлар бўлиши шарт қилинган. Гувоҳликка келаётган ёшларимиз шу масъулиятни тўлиқ биладими? Ёки улар фақат имзо чекиш учун келмоқдами? Шу боис кув жўра билан бирга ёши катта ва кувга яқин қариндошлардан ва камида икки киши бўлиши янада яхши бўлар эди. Шу билан бирга, келин томонидан ҳам 18, 19 ёшли қизлар билан бирга кўпни кўрган ёши катта онахонлар гувоҳ сифатида бирга иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Маҳр масаласида ҳам нафақат ёшлар, балки ёши катталарнинг ҳам тўлиқ тушунчага эга эмаслиги, афсуски, ҳақиқат. Маҳр ҳақида илмга эга кувларимиз ҳам шу борада озгина хасислик қилаётгани билиниб қолади. Гоҳида никоҳдан кейин бериш шарти билан никоҳлари ўқилгандан кейин ҳам маҳрни бермай, унинг ўрнига ҳар куни маст ҳолда келиб хотинини талоқ қилаётган, эртасига бу ишига пушаймон бўлиб, илмли инсонларнинг олдига

фатво сўраб келаётган ёшларнинг кўпайиб кетаётгани ачинарли ҳолдир.

Никоҳнинг юқорида келтирилган шартлари қолиб, биринчи қиладиган ишимиз қуда тарафнинг бойлиги ва мансаби ҳақида ўйлайдиган, совчиликда шариат қонунлари ва ҳукмлари бир ёқда қолиб, тоғорачи айрим аёлларнинг ҳар хил урф-одатлари ва исрофгарчиликлари, тўйни номдор тўйхонада қилиш, машҳур санъаткорларни тўйга чақириш, қиммат таклифномалар ёздириш ва қанча-қанча исрофлардан иборат тўйларимиз кўпайиб кетмоқда. Лекин никоҳ нима, унинг асосий учта шarti тўлиқ бажарилдими, маҳр берилдими каби масалалар эътибордан четда қолиб, ўша пулнинг 10–15 баравари тасвирга, суратга олиш ва бошқа замонавий урфларга сарфланмоқда. Минг афсуски, шунча исрофгарчилик ва хўжакўрсин ила ўтган зиёфат ва тўйларимиз икки ёшнинг бахтли оила қуришига кафолат бўлмаётган қолмоқда.

Тиббий кўрик

Оила мустаҳкамлиги, келин-куёвнинг бахтли, туғилажак зурриётларнинг соғлом бўлишини ўйлаб Давлатимиз томонидан никоҳ олдидан келин-куёвни тиббий кўриқдан ўтказиш ҳам жорий этилди. Бу нарса айримлар ўйлаганидай “кераксиз машина” эмас ёки пул бериб маълумотнома олувчилар фикрлаганидек, уздабуронлик ечими ҳам эмас. Авайлаб-ардоқлаб вояга етказган қизини не-не умидлар ва харажатлар билан турмушга узатган, қизлари туфайли куёвли бўлган, набираларни орзулаган ота-она тўйдан кўп ўтмай куёвининг бедаво дардга йўлиққанини билса, қай аҳволга тушишини бир ўйлаб кўринг. Куёвингиз гиёҳванд чиқиб қолса,

қизингиз бахтига зомин бўлиб қолганингиздан дунё кўзингизга тор бўлиб кетади. Олган келинингиз руҳий хасталикка чалинган бўлса-ю, ота-онаси буни яшириб, турмушга узатиб юборган бўлсачи? Ана шундай кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олиш, оила ва фарзандлар иқболини ўйлаб, соғлом оила ва турмушни барпо этиш мақсадида жорий этилган бу тадбирнинг келин-куёвга ҳам, уларнинг яқинларига ҳам фақат фойдаси бор. Қолаверса, бу шариатнинг талаби ҳамдир.

Динимиз таълимотларида оила қуришга эркак ва аёл бирдек тарғиб қилинган. Оила қурмасдан, таркидунёчилик йўлини тутиш қораланиб, бунинг акси бўлган никоҳ ибодат даражасига кўтарилган. Ҳазрат Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом) никоҳланиш фақат ўзларининг суннати эмас, балки ўтган барча пайғамбарларнинг ҳам суннати эканини айтганлар.

Оила қўрғонининг пойдевори, унинг мустаҳкам қалъаси, эр-хотинни маҳкам боғловчи риштаси никоҳдир. Никоҳ инсонлар жамиятида энг муқаддас битим ҳисобланади. Чунки ҳаётда ҳалол ва ҳаромни ажратиш, эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқларига риоя этиш, оила тузиш, инсон наслининг давомийлигини таъминлаш, ёш авлод тарбияси никоҳга боғлиқ масалалардир. Мазҳабимиздаги мўътабар манбалардан бири бўлган “Дуррул-Мухтор” китобининг “Никоҳ фасли”да зикр этилганидек: “Одамзодга ҳатто жаннатда ҳам давом этадиган никоҳ ва имондан бошқа ибодат йўқ. Оила шундай саодатманд бир боғки, у ҳатто жаннатда ҳам давом этади. Ҳар қандай шартнома маълум муддатдан сўнг кучини йўқотади, аммо бир-бирларидан рози бўлган умр йўлдошларнинг ҳаёти ўлим билан ҳам тугамайди”.

Никоҳни эълон қилиш

Никоҳдан сўнг қурби етганича, исрофгарчиликка йўл қўймаган ҳолда элга дастурхон ёзиб, меҳмон қилиш ва икки ёшнинг никоҳини эълон қилиш Пайғамбаримиз кўрсатмаларидандир. Анасдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда қуйидагича келтирилади: “Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абдурахмон ибн Авфда (розияллоҳу анҳу) сариқлик аломатини кўриб: “Бу нима?” дедилар. У: “Эй Аллоҳнинг Расули, данак оғирлигидаги тиллани маҳр қилиб бериб, бир аёлга уйландим”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ сенга барака берсин! Бир қўй сўйиб бўлса ҳам валима (зиёфат) қилиб бер”, дедилар. Ушбу ҳадисга биноан, уйланган киши бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бериши мустаҳабдир. Никоҳда ҳозир бўлганлар, зиёфатга келганлар келин-куёвга Аллоҳ таолодан хайру барака ва бахтли ҳаёт кечиришларини сўраб дуо қилишлари, уларни тўй билан табриклашлари Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қолдирган суннат амаллардандир.

Биз, мусулмонлар, ҳар бир нарсада Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эргашмоғимиз лозим. Айниқса, жамиятнинг бошланғич ҳужайраси ҳисобланмиш оилани барпо этишда эргашсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Оилавий ҳаёт ҳавас қилса арзигулик бўлиши лозим. Бу эса ислом одоб-ахлоқи ва меҳр-оқибатининг давом этишига сабаб бўлади.

Урф-одатларимизга кўра катталар, хусусан, оналарнинг ёш-келин куёвларга оилавий турмуш ҳақида панд-насиҳат қилишлари, ҳаётий тажриба-

ларни сўзлашлари одат тусига кирган. Машхур саҳобий Анас ибн Моликдан (розияллоҳу анҳу) нақл қилинган ривоятда Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари янги келинларга эрининг ҳурмати ва хизмати қилишни буюрар эдилар, деганлар. Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб ўз қизларига қўйидаги насиҳатни қилган эканлар: “Зинҳор рашкчи бўлмагин, у талоқнинг калитидир. Зинҳор эрингни терговчи бўлмагин, у кўнгилсизликни келтириб чиқаради. Сурма қўйиб юргин, лекин зийнатларнинг энг афзали сувдир”.

Ҳозирда биз ҳам шу каби панд-насиҳатларни қилишимиз, айниқса, ёш келин-куёвларга ҳалол-ҳаромни, эр-хотинлик вазифаларини, хусусан, никоҳнинг бузилишига сабаб бўладиган масалаларни мукамал тушунтирмоғимиз лозимдир. Шунда ҳар бир оила мустаҳкам, тинч, осойишта ва бахтли ҳаёт кечиради. Айрим арзимас камчиликлар ва тушунмовчиликлар туфайли ажралишларнинг олди олинади.

Энг аввало, аёлларга чиройли муомала қилиш, ширинсўз бўлиш ва ҳар томонлама уларга яхшилик қилиш лозим. Иккинчидан, гарчи уларнинг феъл-атворларида бирор-бир ҳаракат ёқмаган тақдирда ҳам кўполлик қилмасдан, камчиликларини ётиғи билан айтиш, буни тузатишга кўмаклашиш керак. Чунки ҳар бир нарсада Аллоҳ таолонинг биз билмаган, ақлимизга келмаган ҳикматлари бор. Аёлларнинг хулқларида бир эмас, бир неча яхшилик борлиги маълум. Аёлларнинг саранжом-сарийшталиги, кийим-кечак ва уйларнинг озодалиги, таом тайёрлаш борасидаги хизматлари ва энг муҳими, тўғри тарбия берилган, кўзлар қувончи бўлмиш солиҳ фарзандларни дунёга келтириши шундай

яхшиликлар сирасига киради. Бу ҳақда ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Мўмин одам мўминага ғазабланмасин! Агар унинг хулқидан бири ёқмаса, иккинчиси хурсанд қилади” (*Имом Бухорий*). Ислом дини муҳаббат, раҳмат, меҳр-шафқат каби хислатлар оиланинг таянчи эканини айтади.

Тўйдан кейин

Тўй тугаб, меҳмонлар тарқалгандан сўнг одатда ўзлари учун тайёрланган хонада кутиб ўтирган келин ҳузурига куёвнинг дастлабки киришига алоҳида эътибор бериш лозим. Албатта, бир умрлик савдо бўлмиш никоҳли ҳаётни амалий бошлаш ҳодисаси алоҳида ҳис-ҳаяжон, орзу-истаклар билан тўлиб-тошган бўлиши аниқ. Бундай пайтда қилинадиган ҳар бир иш, босиладиган ҳар бир қадам ва айтиладиган ҳар бир сўз умр бўйи эсда қолиши ҳам табиий.

Дастлабки маълумот Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) куёвлари ҳазрат Алининг (розияллоҳу анҳу) қизлари Фотимаи Заҳронинг (розияллоҳу анҳо) олдиларига тўйдан кейин биринчи киришларидан олдин қилган ишлари ва дуолари ҳақидадир. “Тўй кечаси бўлганида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) куёв бўлмиш Али ибн Абу Толибга:

“Эй Али, келинга бир тўй ҳам қилмоқ керак”, дедилар. Шунда Саъд ибн Муоз (розияллоҳу анҳу): “Менда бир қўчқор бор!” деди. Ансорийлардан бир гуруҳи бир неча соъ жўхори жамлаб келишди. Ана ўша нарсалардан тўй зиёфати уюштирилди. Зиёфатдан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Али ибн Абу Толибга: “Менга учрамагунча

бир нарса қилмай тур”, дедилар. Кейин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Фотима (розияллоҳу анҳо) турган жойга бордилар-да, у кишига: Менга сув келтир”, дедилар. Келинликка тайёрланиб олган Фотима (розияллоҳу анҳо) бир идишда сув келтирдилар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у сувдан Фотиманинг (розияллоҳу анҳо) кўксиларига ва бошларига сепдилар-да: «Аллоҳим, мен Сендан бунга ва бунинг зурриётларига шайтони рожиймининг ёмонлигидан паноҳ тилайман», дедилар. Сўнгра У зот яна сув келтиришни талаб қилдилар. Бу сафар Али ибн Абу Толиб бориб, ҳалиги идишда сув келтирдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишига ҳам худди Фотимага (розияллоҳу анҳо) қилган ишларни ва дуоларни қилдилар ва: «Ё Аллоҳ, икковларига барака бергин, икковларининг устиларидан барака нозил қилгин ва икковларининг зурриётларини баракали қилгин», дедилар. Сўнгра Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) икки муаввизатайнни тиловат қилдилар ва: «Ўз аҳлинг олдига Аллоҳнинг исми ва баракаси ила киравер», дедилар». Ушбу иқтибосдан куёвнинг келин олдига биринчи бор киришидан олдин қавмнинг катталари қиладиган ишлар ва дуолар ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда илм аҳлларига куёвларни дам солдириб, сўнгра, келиннинг хузурига кириб бориши чиройли одатлардан ва Пайғамбаримизнинг суннатларига мувофиқ ишни амалга ошириш бўлади. Куёв келиннинг олдига биринчи бор киришида хурсандлик, очиқ чеҳра ва мулойимлик билан кириши кераклиги китобларимизда тавсия қилинган. Чунки келин ҳис-ҳаяжонда, хавфда, хижолат ва ўзгача ҳолатда туради. Куёв бисмиллаҳни айтиб, ўнг оёқ билан салом бериб киради. Сўнгра

келиннинг пешонасига қўлини қўйиб туриб, қуйидаги ривоятда келган дуони ўқийди. Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилишади: «Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: “Қачон бирингиз бирор аёлга уйланса ёки ходим сотиб олса, “Аллоҳумма! Иннии асъалука хойраҳаа ва хойра маа жабалтаҳаа ʔалайҳи. Ва аъзузу бика мин шарроҳаа ва мин шарро маа жабалтаҳаа ʔалайҳи”, десин» (*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилганлар*). Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Сендан унинг яхшилигини ва Сен унга берган жибиллят – ахлоқнинг яхшисини сўрайман. Сендан унинг шарридан ва Сен унга берган жибиллят – ахлоқнинг ёмонидан паноҳ сўрайман».

Келин-куёвга бошқалар дуо қилишлари билан бирга, уларнинг ўзлари ўзларига ва бир-бирларига дуо қилишлари ҳам жуда яхшидир. Албатта, ўшандай бахтли соатларда Аллоҳ таолодан ўзига ва умр йўлдошига бахт-саодат тилаб дуо қилмоқ муҳимдир. Сўнгра икковлари биргалиқда, куёв имом бўлиб, келин орқада иқтидо қилиб, икки ракат намоз ўқисалар, жуда ҳам яхши бўлади. Ҳар ким ўзи ўқиса ҳам бўлаверади.

Салмондан (розияллоҳу анҳу): «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Қачон бирингиз бирор аёлга уйланса, қўшилиш кечасида икки ракат намоз ўқисин, у (келин)га ҳам ортида икки ракат намоз ўқишини айтсин. Албатта, Аллоҳ уйда яхшилиқни (пайдо) қилувчидир», дедилар (*Баззор*).

Албатта, бу каби намозлар хайрга, баракага, яхшилиқка сабаб бўлиши турган гап. Мусулмон инсон учун намоз унинг ҳаётидаги энг азиз нарсадир. Юқорида келтирилганлар куёв ва келинлар биринчи кечаларида, истаса, қиладиган ишлар ва ду-

олардир. Яхши умид ила қилса, гўзал иш бўлади. Аммо қилмаса, шаръий жиҳатдан зарари йўқ.

Яхши хотин

Донишмандлар дерларки: «Кимнинг хотини дўст, меҳрибон ва уйи саранжом-саришта бўлса, у киши хақиқатан бахтиёрдир. Агар хотининг иф-фатли, номусли, очиқ юзли ва ширин сўзли бўлса, у хоҳ гўзал, хоҳ хунук бўлсин, барибир уни сев, хурмат қил. Бу сўзлар ёлғиз хотинларгагина эмас, эркакларга ҳам тааллуқлидир. Эр ва хотин ҳам-жиҳат ва ҳамфикр бўлсалар, уларнинг кўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлди, демак-дир», дейдилар. Хотин пок ниҳод (тоза табиатли) ва пок дил бўлсин; кадбону (ишчан уй бекаси) эрига дўст бўлгай. Ҳаёли, тақводор, тили қисқа, молни яхши сақлагувчи бўлсин. Дебдурларки, эрнинг ва умрнинг роҳати бўлур. Агар хотининг хўбрўй, меҳрибон ва мақбул бўлса ҳам ихтиёрингни унга буткул бермагил ва унинг ҳукми остига кирмагил. Нединким, Искандарга дебдурлар: «Доронинг қизини нима учун олиб хотин қилмассан, бағоят хушрўйдир?» Искандар деди: «Жаҳон халқига ғолибман, энди бир хотинга мағлуб бўлсам, кўп ёмон кўринур».

Қози Шурайкнинг қўшнисиникида ҳар куни жанжал экан. Қўшни хотин тарбия кўрмаган, ёмон феълли бўлгани сабабли, турмушлари хароб экан. Уларнинг ҳолини кўрган Қози Шурайк суюкли хоними Зайнаб шарафига ушбу сатрларни битган эканлар:

*Завжалар ичида Зайнабим танҳо,
Қўлим синсин, унга кўтарсам гоҳо.
Адолатсизликдир беайб урмоқ,*

*Зайнабимга муносибдир мадҳ этиб юрмоқ,
Хотинлар ичида у бир қуёшдир,*

*Бошқа барча хотинлар юлдузга эшидир.
Қуёшнинг ёнида юлдузлар учар,
Эркак саодати уйида бўлар.
Зайнаб итоатли, Зайнаб содиқдир,
Унга таёқ эмас, мадҳия ҳақдир.*

Нафақа ҳақидаги фасл

“Нафақа” сўзи “Яхшиликка маблағ чиқариш” маъносини англатади. Шариатда эса ўз қарамоғидаги шахсни етарли кийим, таом ва маскан билан таъминлашдир.

Нафақанинг эр зиммасига вожиб бўлиши Қуръон, суннат, ижмоъ ва ақл ила собит бўлгандир. Аллоҳ таоло “Талоқ” сурасининг 7-оятида марҳамат қилиб айтади: **“Ризқи кенг кенглигидан нафақа қилсин. Кимнинг ризқи тор бўлса, унга Аллоҳ берганидан нафақа қилсин. Аллоҳ ҳар бир нафсни Ўзи берганидан ортиқчага таклиф қилмас. Аллоҳ қийинчиликдан сўнг тезда осонликни берур”**.

Аллоҳ таоло «Бақара» сурасининг 233-оятида эса: **“Уларни яхшилаб едириб, кийинтириш отанинг зиммасидадир”**, дейди.

Ҳаким ибн Муовия Қушайрийдан (розияллоҳу анҳу): **“Ё Расулуллоҳ, бизнинг ҳар биримизда хотиннинг нима ҳаққи бор?”**, – дедим. Расулуллоҳ: **“Қачон таомлансанг, уни ҳам таомлантирасан. Қачон кийим кийсанг, уни ҳам кийинтирасан. Юзига урмайсан, қаттиқ сўкмайсан ва уйдан бошқа жойда ҳижрон қилмайсан”**, дедилар (Абу Довуд Насаий).

Шарҳ: Оилани тебратиш, бола-чақа боқиш, уларнинг қорнини тўйғазиш эрнинг оддий бир вазифаси эмас, балки Аллоҳ таоло буюрган ва охира-рат учун ёзиб қўйиладиган, ажр-савобга ҳам сабаб бўладиган вожиб амалдир. Шунинг учун, эр-как киши оиласини моддий таъминлаш учун яхши ният билан ҳаракат қилиши, бу улуғ вазифасини зинҳор унутмаслиги керак. Ҳатто аёли оғзига тутган луқмада ҳам, агар бу иш Аллоҳ таолонинг розилиги учун қилинса, эрга савоб бўлади.

Саъд ибн Абу Ваққосдан (розияллоҳу анҳу): Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишига: “Албатта, сен Аллоҳнинг розилигини тилаб бир нафақа қилсанг, ажрини олмай қолмайсан. Ҳатто аёлингнинг оғзига тутган луқмангдан ҳам сенга ажр бўлади”, дедилар.

Пайгамбаримизнинг (алайҳиссалом) суюкли қизлари Фотимаи Заҳрога насиҳатлари

Пайгамбар (алайҳиссалом) суюкли қизлари Фотимаи Заҳрони турмушга бергач, уни ҳазрат Али хонадонига кузатаётганларида, бундай насиҳат қилганлар:

“Қизим, ўзингни ҳамиша озода тут, Раббингни зикр қил ва вужудингни сув билан покла. Эринг сенга боққанда хурсанд бўлсин. Кўзларингга сурма қўй, чунки у аёлларга зийнатдир. Бошингга зайтун мойидан сурт, чунки зайтун мойи сурган аёлга шайтон яқинлашмайди.

Эй Фотима, эринг сенга қараганида, кўзларингни юмма, токи муҳаббатинг кучайсин. Эринг бошқа тарафга қараган пайтда, унинг юзига боқ, бу билан бир ой рўза тутганлик савобини оласан.

Эй Фотима, эринг сени ётоққа чақирганида рад этма. Бундай қилсанг, Аллоҳнинг лаънатига қоласан. Эй Фотима, яқинлик пайтида қувноқ бўл, токи эрингнинг муҳаббати ортиб, бошқага кўнгил қўймасин.

Эй Фотима, эрингнинг камчиликларини, айбини бировга айтма, бундай қилсанг, Аллоҳнинг, Пайғамбарнинг, фаришталарнинг ва эрингнинг нафратига учрайсан. Сен уй юмушларини бажар, эринг эса уйдан ташқаридаги ишларни қилсин. Эй Фотима, бу ўғитларни менга Жаброил сўзлади”.

Онанинг қизига қилган насиҳати

Қуйида Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (алай-хиссалом) қизлари Фотимага (розияллоҳу анҳо) қилган насиҳатларининг гўёки шарҳига гувоҳ бўламиз.

Машхур ривоятга кўра, Ҳорис ибн Навфалнинг қизи Асмо келин бўлиб куёв уйига кетадиган кун онаси Умома томонидан унга шундай насиҳат берилган: “Болажоним, севикли қизим, мени яхшилаб тингла. Насиҳат ҳар кимга лозимдир, ўғит ҳаммага зарурдир. Насиҳат – билмаганга ўргатади, билганнинг эсига солади”.

Дин насиҳат биландир. Насиҳат тинглаганлар динни жуда яхши ўрганадилар. Насиҳат тинглаб юрганлар дунёда хотиржам ва бахтиёр бўлурлар.

“Азизам, қизим! Агар бир қиз ота ва онасининг камбағаллиги учун эрга берилиши керак бўлсайди, сен ҳеч замон узатилмаган бўлардинг. Чунки отанг жуда бадавлат, катта шухрат, мақом ва эътибор соҳибидир. Сен шундай бир одамнинг қизисан. Лекин ҳаёт бошқачадир. Аллоҳ таоло бизларни яратган ва биз учун ҳаёт қонунларини берган. Ҳар бир

инсон Аллоҳ таоло берган қонунлар чегарасида ҳаётини ўтказди. Аллоҳ таоло берган қонунга кўра, ҳаётга қадам қўядиган вақти келганда, ҳар бир қиз бир кишига, ҳар бир йигит бир аёлга муҳтож бўлади. Эракаклар хотинлар учун, хотинлар эса эракаклар учун яратилгандир. Яъни бир хотин бир эракак билан, бир эракак эса бир хотин билан дўст, маҳбуб ва маҳбуба бўлиб оила қурмоқликка муҳтож шаклда яратилгандир. Бу Парвардигори оламнинг қонунидир. Бу қонунни ҳеч ким буза олмайди ва қиёматга қадар давом этади.

Шу сабабли сен, қизим, туғилиб-ўсган ва вояга етган уйингдан, яйраб-яшнаб, ўйнаб юрган ерингдан чиқиб, ўзинг билмайдиган, нотаниш бир уйга борасан. Шунга қадар ўзинг яхши билмаган инсон уйига борасан.

Эй менинг жигарпорам, суюкли қизим, кўзимнинг нури, болажоним! Сен хожангга шундай хизмат қилки, у ҳам сенга хизматкор бўлсин! Сен унга ер бўлки, у сенга осмон бўлсин! Сен эрингга бир уй бўл, у сенга устун бўлсин!

Меҳрибон қизим, меҳрибоним! Сенга баъзи бир мезонларни айтиб ўтаман. Уларга яхши эътибор бергин. Улар ҳеч ёдингдан кўтарилмасин, вақти келганда улардан фойдаланасан. Ҳозир айтадиганларимга амал қилсанг, эринг билан гўзал ҳаёт кечирасизлар, шодон, бахтли ва саодатли бўласизлар. Бизлар ҳар икки оила ҳам – бизнинг ҳам, эрингнинг оиласи ҳам ҳузур-ҳаловатда бахтиёр бўламиз. Акс ҳолда иккала оилада ҳам ҳузур-ҳаловат йўқолади. Сен ўзинг бир жаҳаннамда яшагандай бўласан. Жоним қизим! Энди сенга айтадиган 10 ўғитимга, насиҳатимга қулоқ сол! Буларни доимо ёдингда тут:

1. Қаноат соҳибаси бўл. Ўз ҳолингга шукр қил. Яъни эринг уйга нимаики олиб келса, у хоҳ ейди-

ган, хоҳ киядиган нарсга бўлсин, хушфеъллик билан, гўзал одоб билан қабул қилиб ол! Эрингга ташаккур айтиб, хушнудлик кўрсат. Зеро, бахтли ҳаёт кечирмоқнинг бир йўли ўз ҳолига шукр этмоқликдир. Ҳолига шукр этмаган, ўз нафсини тиймаган кишида кўнгил ҳузури, қалб роҳати бўлмайди!

2. Эрингга итоат қил, қил деган ишларини қил, қилма деганини қилма! Яъни эринг билан суҳбатлашганда, мулоқотда бўлганда итоатли бўлишингни, унинг сўзларини одоб билан тинглаб адо этишингни сенинг сўзлашиб, қулоқ солишингдан тушуниб оладиган бўлсин. Шунда Аллоҳ таоло сендан хушнуд ва уйингиз бахт нуридан порлоқ бўлади.

3. Эрингнинг кўзи тушадиган жойларга яхши эътибор бер! Яъни, уйнинг ичини, ташқарисини ниҳоятда тоза тут. Шундай қилки, хожангнинг кўзига бир чиркин ер кўринмасин.

4. Уст-бошингни тоза тут. Эринг фақат хушбўйни сезсин, димоғига ёмон ҳид келмасин. Чунки ёмон ҳидлар эринг кўз ўнгида сенинг обрўйингни туширади. Сендан жирканишига сабаб бўлади. Шуни яхши билгилки, тозалик ва зарифлик энг яхши нарсалардир, инсон кўзига хуш кўриниш шулар биландир.

5. Овқатни вақтида тайёрла. Яъни овқатланиш вақтини ҳеч қачон кечиктирма. Эринг қачон овқатланишга ўрганган бўлса, ўша пайтда овқатингни тайёрлагин. У келиши билан дарҳол дастурхон сол. Шуни яхши билгинки, очлик инсоннинг тез жаҳлини келтиради.

6. Уйку вақтини, уйғониш пайтини яхши билиб ол! Яъни, унинг қачон уйқуга ётиш пайти бўлса, ўрнини тайёрлаб қўй. Зеро, уйқусизлик инсонни хафақон этади. Асаблари бузук, хафақон

одамларнинг эҳтироси муҳаббатини аста-секин сўндиради.

7. Жуфтингнинг моли ва ашёсига жуда эътиборли бўл! Яъни завжангнинг мол-дунёсини яхши сақла, ашёларини авайла, муҳофаза қилгин. Чунки унинг молу дунёси сеникидир. Эринг мол-дунёсини исроф этмаслик иш билиш ва қадрига етиш демакдир.

8. Эрингнинг қариндоши ва яқинларига ҳурмат кўрсат! Яъни, жуфти ҳалолингнинг қариндошлари ва яқинларига ҳурмат эрингнинг эътиборини қозонмоқ демакдир. Уларни ҳурмат қилиш эрни ҳурмат қилиш демакдир. Бу эса қадр ва эътибор қозонишдир.

9. Умр йўлдошингнинг сирини бошқаларга айтма! Яъни эрингнинг баъзи сирларини билган вақтингда эҳтиёт бўлиб, уни сақла, бировларга айтиб юрма. Агар айтиб қўйсанг, унинг ғазабини келтириб қўясан, ишончини йўқотасан. Бунда тузаётган оилангиз бузилади.

10. Эрингнинг динга тўғри келадиган барча буйруқларини адо қил! Яъни жуфти ҳалолингнинг динга уйғун бўлган буйруқларини бажаришда танбал бўлма. Ҳеч қачон унга нисбатан итоатсиз бир ҳаракат бўлмасин. Агар шундай бир ҳаракат бўлса, сенга кин сақлаб охири душман бўлади. У сенга душманлик йўлини тутса, сен кўп зарар кўрасан ва қўлингдан ҳеч нарса келмайди.

Шуни яхши билиб олгинки, эринг хафа бўлганда сен хурсанд бўлишдан ёки у хурсанд бўлганда сен хафа кўринишдан жуда эҳтиёт бўлгин. Чунки унинг хафа бўлган пайтида сенинг хурсанд бўлишинг, унинг қувончли онларида сенинг ғамгин кўринишинг унга ҳамдард бўлмаслик каби бир қурсурни пайдо қилади. Бу эса фаҳм-фаросатсиз ва

тарбияси ёмон одамларга хос ишдир. Бу сен каби юксак бир тарбия кўрган ақлли ва оқила хотинларга муносиб эмас.

Қизалоғим, жуфту ҳалолингга қанчалик кўп севги ва ҳурмат кўрсатсанг, ўзинг шунчалик муҳаббат ва ҳурматга эришасан. Айтганларини қандай бажарсанг, сўзларини тингласанг, шу даражада муҳаббат ва ҳурматга сазовор бўласан. Кўзимнинг нури, жон қизим, шуни яхши билгилки, бу ўгитларимни ўрнига қўйиб бажариб, керагича амал қилиб, ўзингнинг шахсий истак ва орзуларингга эришишинг учун эринг ҳам ўз истакларига эришиши керақдир. Эринг – хожангнинг истакларини ўзингнинг орзу-истакларинг деб билсанг, у ҳолда бу насиҳатларимга амал қилган бўласан!

Эр-хотин одоблари

Аллоҳ таолонинг номи билан ва пайғамбарнинг (алайҳиссалом) суннатларига мувофиқ никоҳ ришталари орқали ҳаётларини бир-бирига боғлаган эр-хотин ўзаро ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, чинакам одобга риоя қилганларида турмушлари содатли кечади, оилалари ҳақиқий фароғат қасрига айланади. Хабарларда: “Дунё ҳузурбахш нарсадир, ундаги энг ҳузурбахш нарса солиҳа аёлдир”, дейилган.

Эр ва хотин муносабатлари, бахтли, тотув ҳаёт кечириш йўллари, қандай қилса оиладаги келишмовчилик ва ихтилофларга барҳам бериш мумкинлиги ҳақида китоб ёзмаган, насиҳат қилмаган одам кам. Шундай бўлса-да, бу масала ҳамиша долзарб, муҳимдир. Чунки ҳар икки томон ҳам икки айри жинсдаги, икки айрича феъл-атворли шахслар бўлгани учун, оила тинчлиги, тотувли-

ги ва муносабатлар уйғунлигини таъминлаш учун икковлари ҳам “мен”ларини, шахсий манфаатларини, худбинликларини бир четга суриб туришлари лозим. Оила саодатига эришиш учун мурасага ўтишлари, эр-хотинлик одобларига қаттиқ риоя қилишлари зарур бўлади.

Эрнинг бурчлари

Эр ва хотин аҳил, тотув, бахтли ва фароғатли ҳаёт кечириш учун бир-бирларидаги ҳақларини яхши билиб олишлари ва бунга қатъий амал қилишлари зарур бўлади.

Хотиннинг эрдаги ҳақлари қуйидагилар:

Хотиннинг эр зиммасидаги ҳақи эрнинг ўзига ҳам, молига ҳам тегишлидир. Хотиннинг эри зиммасидаги маҳр, нафақа сингари молиявий ва шахсий ҳақларини эр хурсандлик билан адо этиши лозим.

Эр хотинига хушфеълли бўлиши, у билан яхши муомала қилиши, бирга фаровон ҳаёт кечириши, унга озор етказмаслиги керак. Чунки ҳадисда “Сизларнинг энг яхшиларингиз хотинларига яхши муомала қилганингиздир”, дейилган.

Эр хотиннинг озорларини кўтариши, у ғазабланганда мулойимлик кўрсатиши, унинг хатоларини кечириши керак.

Эр хотини билан ўз қадрини туширмайдиган даражада ҳазил-ҳузул қилиши, чақчақлашиши, ўйнамоғи керак. Бу ишлар аёл қалбига сурур бағишлайди, уни масъуд қилади.

Эр аёлини қизғаниши (рашк қилиши), унинг ор-номусини сақлаши даркор. Оқибати ёмон бўладиган ҳар қандай ҳолга бепарво бўлмаслиги керак. Аммо ёмон ўй, ўта талабчанлик ва рашкда ҳаддан ошиш дуруст эмас.

Эр хотинига алоҳида маскан (уй) қилиб бериши, унда эрнинг яқинларидан ҳеч ким бўлмаслиги лозим.

Эр хотинига бериши лозим бўлган маҳрни, у қанча бўлишидан қатъи назар, тўла бериши керак. Маҳр танҳо хотиннинг ҳақидир.

Эр хотиннинг озиқ-овқат, кийим-кечак каби эҳтиёжларини исрофга йўл қўймаган ҳолда етарли таъминлаши зарур. У бунга сарфланган харажатлари учун ажр-савобга эришади.

Эр хотинига диний масалаларни, шаръий ҳукмларни ўргатиши, ибодатга тарғиб қилиб туриши керак. Агар хотини исён ёки ахлоқсизлик қилса, эр уни тўғри йўлга солиш учун одоб ўргатиши лозим. Бу иш босқичма-босқич олиб борилади: аввал панд-насиҳат қилинади, огоҳлантирилади, тарғиб қилинади, қўрқитилади. Булар фойда бермаса, тўшақда унга тескари ҳолда ётилади, сўнг бир кечадан уч кечагача бир хонада жойини алоҳида қилиб ётади. Аммо ўзини хонада ёлғиз қолдирмайди. Агар бу ҳам фойда бермаса, хотинини ранжитадиган даражада, аммо танасига зарар етказмай, бирор жойини қонатмай урилади. Бироқ унинг юзига, бошига, қорнига, белига, баданининг зарарланадиган қисмига уриш мумкин эмас.

Эр хотинининг иффатини сақлаши, уни ҳаромдан ҳимоя қилиши керак. Айниқса, қўшилиш чоғида хотинининг ҳоҳишини инобатга олиши лозим.

Эр хотинини на сўз билан, на феъл билан сўкиб, айблаб, ҳақоратлаб, ёмонлаб, пастга урмаслиги, унинг жисмию хулқини, оиласию яқинларини камситмаслиги зарур. Зеро, бу мусулмон одобига мутлақо тўғри келмайди.

Эр хотинини яхши кўрса, уни ҳурматлаши, қадрлаши лозим, ёмон кўрса, зулм қилмаслиги

керак. Истаса, чидаб яшасин ёки яхшиликча ажрашсин. Аёлни фақат мардлар қадрлайди, пастлар хорлайди.

Булардан ташқари, эр одобига кирувчи жуда кўп вазифалар ҳам борки, қуйида буларни ҳам келтириб ўтамиз:

Эр аҳли аёлининг хузурига кўчадан салом бериб киради ва унинг аҳволини, кайфиятини сўрайди.

Аёли ёлғиз, кайфияти яхши бўлса, унинг сочларини силаб, суйиб, турли илтифотлар кўрсатади.

Хотинини қайғули, хафа ҳолда кўрса, унга раҳм-шафқат кўрсатади, ҳол сўрайди, яхши сўзлар билан тасалли беради.

Эр турли ширин сўзлар, дил изҳорлари, тасалли ва ваъдалар билан хотинининг кўнглини кўтариб, дилини хуш қилади. Чунки аёл эрининг хонадонида бошқалардан умидсиз, яхши сўзга муҳтож бўлади. Яна “аёл киши қулоғидан семиради”, деаган гап ҳам бор.

Аёлига бола тарбиясида яқиндан ёрдам беради, бу соҳада унинг ишларини енгиллаштиради. Болаларга имон-эътиқодни тушунтириш, касб-хунар ўргатиш, жисмонан чиниқтириш кўпроқ оталар зиммасида бўлади.

Хотинини асло урмайди, дунёвий ишлардаги айрим қусур ва камчиликлари учун сўкиб-тергамайди. Дин ишларида йўл қўйган қусури учун бир кундан ортиқ гина-араз қилмайди, аёли жуда ҳаддан ошганида, исломий танбеҳ чорасини қўллайди.

Эр аёлининг ёмон қилиқларига сабр қилади, уни тарбиялаш чораларини ахтаради. Аёли ғазабланганда, сукут қилади. Аёл киши заифа бўлгани учун, ана шу сукутга таслим бўлади, ғазабига пушаймон чекиб, эридан узр сўрайди.

Хотини яхши хулқли, ораста бўлиб, хизматларини комил адо этса, унинг ҳақиға дуолар қилади, Яратганга ҳамдлар айтади.

Тирикчилик ва рўзғор ташвишлари хусусидагина эр аёли билан маслаҳатлашади, бундан бошқа катта иш, масъулиятларни аёлига юкламайди. У аёлига ўзининг қайғу-мусибатлари ва ташвишларини, ишидаги кўнгилсизликларини, душманлари ва зиммасидаги бурчларини айтиб, унинг оромини бузмайди.

Хотинининг гуноҳ бўлмаган майда-чуйда қусур ва ҳийлаларига кўз юмиб, уларни билмаганликка олади, унинг бутун сир ва айбларини бошқалардан пинҳон тутиб, яширади.

Аёлининг номахрам, бегона эркаклар билан бирга ўтиришидан, улар билан ёлғиз қолишидан, апоқ-чапоқ бўлиб кетишидан рашк қилади.

Эр хотинига Аллоҳ буюрган амалларни, дин одобларини ўргатади.

Эр аёлининг изнисиз сафарга кетмайди, уни узоқ вақт ҳижронга солмайди, аёли билан бахтли ҳаёт кечиришаётган бўлса, устига уйланмайди.

Аёлининг кечаю кундуз эр хизматини қилгани, рўзгорининг барча юмушларини бажаргани, фарзандини боқиб-тарбиялагани, оиланинг побони, хазинабони, мунис ёри бўлгани учун унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам фақат яхши дуолар қилади, қарғамайди, миннатдорчилик билдириб туради.

Хотиннинг бурчлари

Ўз уйига боғланган, эрига ҳамиша итоатда бўлган, ўзига қараган, уйини тартибли ва ораста сақлаган, болаларга чиройли тарбия берган, оиласини бахтиёр қила олган аёл хотинларнинг энг яхшисидир. Хотин, айниқса, эрининг ўзидаги ҳақларини яхши билиб, уларни беками кўст адо этсагина рафиқалик бурчини бажарган бўлади.

Эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақлари қуйидагилар:

Хотин эрининг ҳақини ўзи ва барча яқинларининг ҳақидан ҳам олдинга қўйиши керак, чунки зиммасидаги эрининг ҳақини адо қилмаслик унга қарши исён ва бўйсунмаслик саналади.

Ҳайз ва нифос кунларидан бошқа пайтларда эри ундан ором ва лаззат олишни истаган пайтда ҳеч қандай баҳонасиз тайёр бўлиши лозим. Бу борада эрига тўсқинлик қилиши, эрининг у билан қўшилиш истагини ҳар қандай вақтда қайтариши мумкин эмас. Агар эрининг рағбатига жавоб бермаса, гуноҳкор бўлади, фаришталарнинг лаънатига учрайди. Бу эрнинг хотин зиммасидаги энг муҳим ҳақларидан, икковлари бахтли бўлишларининг асосий омилларидан саналади.

Хотин эридан рухсат олмай нафл рўзаси тутиши мумкин эмас, чунки рўза баҳра олишга тўсиқдир.

Хотин эрининг рухсатисиз унинг бирор нарсасини ўзининг яқинларига бера олмайди. Агар берса, хотинга гуноҳ, эрга эса савоб бўлади. Фақат таомидан маъруф билан садақа қилса бўлади.

Хотин эрининг ижозатисиз уйдан чиқиши, уйдан бошқа жойда ишлаши яхши эмас. Эри рухсат берса, ишлаши мумкин. Агар эри хоҳламаса, бошқа аёлларга ҳам аралашмаслиги лозим.

Хотин Аллоҳ берган ризқ-насибага рози бўлиши, ҳадеб инжиқлик қилиб, эрига норозилигини билдиравермаслиги даркор. Маишат қийинчилиги, ночор аҳволга тушганлиги учун ғазабланмаслиги, дод-вой қилмаслиги зарур. Балки қаноат ва хушнудлик кўрсатиб, эрининг ризқ топишдаги машаққатларини қадрлаши, ҳаром касбга ўтишидан қўрқиб, ундан ҳожатдан ортиғини талаб қилмаслиги керак. Эрини ҳам сабр-қаноатга ундаб, ҳаром пул топишдан огоҳлантириши лозим. Илгари момоларимиз эрларини ишга кузатаётиб: “Ҳаром касбдан сақланинг, биз очлик ва қийинчиликка чидаймиз, аммо оташга чидай олмаймиз”, дейишар экан.

Хотин баданининг яширилиши лозим бўлган жойларини беркитиши, рухсор ҳамда зийнатларини эри ва маҳрамларидан бошқаларга кўрсатмаслиги керак. Аёлнинг яланғочланиши, кийимларини эридан бошқага ечиши, калта, тор ва шаффоф кийимлар кийиши ҳаромдир.

Хотин эрининг дўстига ҳам ўзини нотанишдек тутиши лозим. Эри йўқлигида унинг дўсти эшик қоқса, у билан сўзлашмаслиги керак. Зеро, киши дўстининг хотини билан танишар экан, бу нарса рашк ва фитнага сабаб бўлади.

Хотин ҳусни билан эрига фахрланмаслиги, эри хунук бўлса, ёмон кўрмаслиги, агар ўзи бой бўлса, бу билан ғурурланмаслиги, эрини бошқа эрларга солиштирмаслиги лозим.

Хотин фарзандларига раҳм қилиши, уларни уришиб-лаънатлашдан, эрига юзсизлик билан мурожаат қилишдан тилини тийиши, унинг яхшиликлари ва хизматларини инкор этмаслиги лозим. Булар жуда кам аёллар риоя қиладиган чиройли хислатлардир. Зеро, кўплаб аёллар бола-

ларини лаънатлаш, эридан озгина ёмонлик, камчилик содир бўлганида, унинг ҳамма яхшиликларини инкор қилиб юборишлари билан машхур бўлишган.

Қуйида эса хотинларнинг одобига кирувчи муҳим вазифаларни эслатиб ўтамиз:

Эр уйга кириб келганида, хотин уни ўрнидан туриб, очиқ юз ва табассум билан, “марҳабо, хуш келдингиз, бегим” (афандим, хўжайин, дадаси) каби сўзлар билан қарши олади.

Эрининг устки кийимини ечиб олади, қўлидаги нарсаси ёки юкини олади, чанқаган бўлса, яхна чой ёки сув тутади.

Хотин эрининг ҳар бир амрига итоатда туради, унинг гуноҳ бўлмаган ишларини ва топшириқларини сўзсиз бажаради.

Эр ётоғига таклиф этса, турли баҳоналарни рўқач қилиб бўйин товламайди, раддини ўч олиш қуролига айлантормади, нафсини эрининг истакларига таслим этади.

Эрининг ижозатсиз бирор жойга, ҳатто онасини кўргани ҳам бормади.

Хотин эрининг кийимларини ювиб-тозалайди, йиртиғини тикади, буюм ва ашёларини авайлаб, асрайди.

Эрининг ош-нонини пиширади, дастурхонини тузайди, меҳмонини кутади.

Эрининг чироғи ва ўчоғини ёқади, тўшагини ёяди. Эрининг ғусл ва таҳоратига сув тайёрлаб беради, агар у истаса, ғусл ва таҳорат қилишга ёрдамлашади.

Хотин эрига ўзининг бойлиги, насаби ва гўзаллиги билан мақтанмайди. Эрини бошқаларга солиштириб, бойлик, мансаб, рўзғор тутиш кабиларда уларга ўхшашни талаб қилмайди.

Кийим-кечак, озиқ-овқат масалаларида эрига бирон ғам-ташвиш туғдирмайди, эҳтиёжидан ортиқ нарсаларни буюриб, уни қийин аҳволга солмайди.

Овозини эриникидан баландлатиб, беҳаёлик ва бадахлоқлик кўрсатмайди, сўзидан ёки хулқидан унга азият етказиб, жонидан тўйдирмайди.

Эри борлигида ҳам, йўқлигида ҳам уни дуо қилади, Аллоҳдан тақво ва инсоф, икковларига тоғувлик ва саодат тилайди.

Фақат эри учун безаниб, кийинади, иффат ва номусини ўзгалардан асрайди, номаҳрам кишиларга рўпара бўлмаслик чораларини кўради, эри ва хонадони шаъни ва обрўсини пок тутаяди.

Эрининг уй-жойи, мол-мулкани авайлаб-асрайди, унинг рухсатисиз бирор нарсасини бошқаларга бермайди.

Эрининг ночор, фақир ёки муҳтож бўлиб қолган кунларида буни юзига солмай, камситмай, тасалли-далда беради, булар бир имтиҳон эканини, тезда ўтиб кетишини айтиб, кўнглини кўтаради.

Ота-она ҳурмати

“Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингизда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!” (Исро, 23).

“Уларга ёқимли сўз” деганда ота-онани номи билан чақирмаслик, балки “отажон, онажон” каби сўзлар билан ёш гўдакларга хос муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушуниш керак (Мд. Ҳз.).

Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: «...**ва** (дуода) **айт: “Эй, Раббим! Мени** (улар) **гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!”**» (Исро, 24).

Ота-она ҳаққига дуо қилиш

Фарзанд гўё ота-она парваришлаган ниҳол. Ниҳол эккан уни мевасини емоқни орзу қилганидек, ота-она ҳам фарзандидан яхшилик кутиб яшайди. Инсон яхшиликни қайтаришга ожиз бўлса, яхшилик қилувчи ҳақиқа албатта, дуо қилиши керак. Дуо охиратга захира бўлади. Ота-она ҳақиқа яхши дуо қилиш гўзал вафодорликдир. Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларида одам вафот этганида, унинг барча амали тўхтаб, фақат уч нарсадан савоб етиб туриши айтилган. Улардан бири солиҳ фарзанднинг қилган дуосидир.

Абу Бурда ибн Абу Мусо Ашъарийнинг (розиаллоҳу анҳу) айтишларича, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумо бир яманлик киши ўз онасини елкасига кўтариб хонаи Каъбани тавоф эттириб юрганини кўрибдилар. У одам тинмай қуйидаги байтни ўқиб юрар экан:

*Онаи зорим учун бўйнини эгган теваман,
Тева минган онам ҳориса, мен ҳоримасман.*

Бу байтни ўқир экан, ҳалиги киши Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумога қараб: “Эй Абдуллоҳ мана шу хизматим билан онамнинг ҳақини адо қила олдимми?” деб сўрабди. Абдуллоҳ ибн Умар (розиаллоҳу анҳумо): “Йўқ, бу хизматинг онангни туғиш пайтида қийнаган тўлғоқларнинг биттасига ҳам тенг бўла олмайди”, дедилар.

Бу илоҳий таълимотлардан билдикки, ота-онага яхшилик қилиш, уларнинг хизматини бажариш, уларни улуғлаш фарзандларнинг юксак бурчи экан.

Бугунги кун

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бугунги кунимизнинг энг долзарб масаласи десак, муболаға бўлмайди. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш жуда ҳам шахсий, бошқаларга алоқаси йўқдек кўринади, аммо бу ҳаракат миллатимиз равнақиға, халқимиз одобига, келажакига, насли-насабига путур етказишдан сақловчи омилдир. Келинг, тарихимизга, майли, ҳар бир рисоладагидек оила ўз аждодлари тарихига назар солсин. Бундай оилаларда ўғил болаларга уларга хос фазилатлар – ҳамият, ор-номус туйғуси сингдирилган, ота-онага, яқинларига, ватанига, юртига вафодор, илму ҳунар соҳиблари, ғайратли, меҳнатсевар қилиб тарбияланган.

Қиз болаларга биринчи ўринда иффату ҳаёли бўлиш, хушфеъл, одобли, итоаткор, ширинсухан, сабрли бўлишдан сабоқ берилган. Аёл киши овозининг кўтарилиши (бақир-чақир, қарғиш) ниҳоятда ҳунук одобсизлик, деб ўргатишган. Бу борада тарбия берувчиларнинг ўзлари намуна бўлишган. Йигитлар эркаклик хислатларини боболаридан, оталаридан, амакиларидан, тоғаларидан, қизлар эса аёллик хислатларини бувиларидан, оналаридан, амма-хола, янгаларидан кўриб андоза олишган.

Оила бошлиғи – отага нисбатан ҳурмат-эҳтиромни фарзандлар оналаридан ўрганишган. Отага гап қайтариш у ёқда турсин, унга тик қарашмаган. Ота ҳам обрўсини ўз ўрнида тутиб, аёлу фарзандлари билан муомалада оғир-вазмин, сипо, гап-сўзларида маъною мантиқ бўлган.

Ҳозирги кунда баъзи ота-оналарда асосий муаммо ўғил-қизининг ахлоқ-одоби, илму маънавияти эмас, балки нимани едириб-ичирсам, қандай кийим-кечак кийдирсам, болаларим ялт-юлт бўлиб юрса, деган ўй-фикрлардир. Афсуски китоб ўқишдан йироқ, шариатдан узоқ, вақти бўлса ойнаи жаҳон атрофида, кўп вақтини беҳуда нарсаларга совурувчи, ижтимоий одобларга бепишанд, оғизларидан шоди кириб боди чиқувчи ота-оналар ҳам йўқ эмас. Баъзи қизлар юз-кўзига нарса суриб, сочини ҳали у рангга, ҳали бу рангга бўяб, ҳар хил кийимларни кийиш билан овора, оғизларида сақич, қулоқларида телефон. Йигитларнинг баъзиларини қизлардан ажратиб бўлмайти, сочлари тўзиган, кийимлар лолаю пушти, қизилу сариқ. Қулоғида телефон, оғзининг бир четида сигарет. Шу билан бирга, ялқов танбал, беодоб, бепарқ, эътиқодсиз, беҳаё фильмлар, бемаъни клипларга шайдо. Бу кимсалар бутун ёшликларини беҳуда, пуч нарсаларга сарфлаш билан овора. Уларга келажак-ҳаёт масалалари бўйича савол берсангиз, орзу-ҳаваслари осмонча. Қўш қават ҳашамдор уй-жойлар, антиқа русумли машиналар, беҳисоб қимматбаҳо матоҳлару тақинчоқларни орзу қилишади. Аммо уларнинг оила икки рисоладагидек инсоннинг оғир меҳнати маҳсули экани, меҳру муҳаббату муросаи мадорадан иборат меҳнатнинг натижаси экани билан ишлари йўқ. Бўлажак фарзандлари уларга омонат экани, уларга таълим-тарбия, эътиқодни ўргатиш кераклигини ўйлаб ҳам кўришмайди. Шундай бўлгач, ўзларида йўқ нарсани қандай қилиб болаларига беришади?

Бу иллатнинг сабаблари турмуш қураётган айрим ёшларнинг ҳакалак отиб кетган нафсларию ота-оналарнинг ҳаддан ошиб кетган орзу ҳавас-

ларидир. Ота-оналар қизларини оилавий ҳаётга тайёрлашни уларга антиқа сарпо-суруқ, мебелу анжомлар, тилла тақинчоқлар, қўйингки, ошхона, ҳаммомларга нарса йиғиб, узатиш деб билишадди. Йигитларнинг ота-оналари эса оилавий ҳаётга тайёрлаш деганда 300–400 кишига ош бериш, 200–300 эркагу аёлга ресторанда гумбура-қарс қилиб ҳар хил артистларни навбатга қўйиб, дастурхонларни нозу неъматларга тўлдириб, бир кунлик тўй учун фалон-фалон пулларни совуришни тушунишадди. Албатта, бундай ҳолатларни кўриб ҳайрон қолмай иложимиз йўқ.

Ота-она турмушга чиқаётган қизига: Қизим, сиз ўзга оилага умрбодга кузатилмоқдасиз. Куёвингизнинг этагини маҳкам тутиб, мустаҳкам оила кема сини қуриш учун кетмоқдасиз. Ақлингизни жамлаб, борган хонадонингизнинг пасту баландига кўниб, тош келса кемириб, сув келса симириб, қайнонанингизни онажон, қайнотанингизни отажон, қайнингилларингизни опажону сингилжоним деб, куёвингизни бегим деб, ширин сўз, сабрли-қаноатли бўлиб, обрў қозониб, бўлажак фарзандларингизга мустаҳкам қароргоҳ барпо қилиш пайида бўлинг. Қизгинам, туғилажак навниҳол фарзандларингизга салгина бўладиган тўлқинларга чўкиб кетадиган қайиқча эмас, балки кундалик ҳаёт деб аталмиш уммонда барқарор суза оладиган, анча-мунча тўфонларга дош бера оладиган мустаҳкам қўрғон шаклидаги кема қуриш. Чунки мурғаклар хотиржамликда, ҳаловатда, барқарорликда улғайсалар руҳиятлари соғлом, гўзал бўлади. Бу билан сиз улар учун мустаҳкам қўрғон барпо қилиб, оилангизнинг бахтли-саодатли келажагига замин ҳозирлаган бўласиз, деб насиҳат қилмоғингиз нақадар яхши бўлар эди.

Огоҳлантириш

Аллоҳ таоло Қуръони каримда “**Эркаклар аёллар устидан раҳбардирлар**”, дея марҳамат этган. Ҳар бир жойда раҳбар бўлганидек, оила раҳбари эркак, хотин эса унинг вазиридир. Шу билан бирга, эр-хотин қуйидаги қоидали унутмаслиги керак: “Эркакнинг ҳурматга, хотиннинг эса севгига, меҳрга, эътиборга кўпроқ эҳтиёжи бордир”. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) суюкли қизлари Фотимани турмушга узатаётганларида шундай насиҳат қилганлар: “Қизим, сен эрингга чўри бўл-ки, у ҳам сенга қул бўлсин”. Афсуслар бўлсинки, ҳозирги айрим аёллар ўзлари чўри бўлмасдан, қул эрларга эга бўлишни хоҳлайди.

Аёл ўз турмуш ўртоғини доимо юзида табассум билан кўчага кузатиб қўйиши ва ўзига оро берган ҳолатда хурсандчилик билан кутиб олиши оилавий бахтнинг пойдевориридир. Қовоғини солиб турса, шунга яраша муомала кўради. Шундай экан, аёл ўз эрига гўзал кўринишга ҳаракат қилиши, унинг яқин-қариндошларига яхши муомалада бўлиши лозим. Рўзғорнинг бор-йўғига чидамли, сабрли, қаноатли бўлишга ўрганиб, айтганлари амалга ошмаган тақдирда жанжал кўтармаслиги лозим.

Кечиримли бўлинг

Бир донишманд бир йигитнинг катта тошни даст кўтарганини кўриб сўрабди: “Буни нима қиласан?” “Мени ҳафа қилган одамнинг бошини янчиб ташламоқчиман”, дебди у. Донишманд эса: “Шундай оғир тошни кўтарган одам бир оғиз сўзни кўтара олмайсанми?” дебди. Қиссадан ҳисса шуки, эр-хотин бир-бирлари томонидан бўладиган озор-

ларга сабр қилиб, кечиримли бўла олсагина, бу дунёда бахтли ҳаёт кечириш учун ҳаракат қилаётган бўлади.

*Ғам емаки – ғам сени ейди,
Кам демаки – кам сени ейди.
Пасткашлар жам бўлса – жамдан қоч,
Жам бўлмаки – жам сени ейди.*

Садриддин Салим Бухорий

Қайнонага тавсия

Ёшларни оилага тайёрлашда ота-онанинг хизмати улкан бўлганидек, ёшларнинг оилавий ҳаёти бахтли давом этиши учун қайнонанинг ҳам хизмати каттадир. Қайноналик бахтига эга бўлган муҳтарама она, ўзга бир хонадонда, бегона бир муҳитда ўсган қиз оилангиз аъзоси, ўз болангизга айланиши, ўғлингиз билан бахтли, саодатли ҳаёт кечириши учун сиздан анча-мунча бағрикенглик, кечиримлилик, меҳр-муҳаббат талаб қилинади. Келиннинг хизматидан, тайёрлаган овқатидан, юриштуришидан айб топаверманг. Ўзингиз янги келин бўлган даврларни бир эсланг. Айби бўлса, малол келмайдиган қилиб ўзига айтинг. Ўғлингизнинг эттирноғига, оилангизнинг аъзосига айланган келиннгизга ҳам муҳаббат қўйинг, хато, нуқсонларини кечиринг, билмаганларини ўргатиб йўлингизга солинг, унинг обрўсини асранг. Сиз келинни ота уйдан ўз уйингизга келин қилиб олиб келишдан олдин берган ваъдаларингизни асло унутманг!... Пайғамбаримиз: “Ваъда қарздир”, “Ваъдага вафосизлик мунофиқликдир”, деганлар. Берган ваъдаларингизга амал қилсангизгина сиз комил мусулмон бўласиз. Шундагина сизларнинг оилангиз-

да тинчлик, тотувлик, файзу барака, фароғат ошён қуради. Ҳикматли сўзларнинг бирида: “Бир ишни хушмуомалик билан талаб этмоқ илмнинг ярмидир. Одамларга бўлган меҳр ақлнинг ярмидир. Тирикчиликда тадбирли бўлмоқ даромаднинг ярмидир”, дейилган.

Бир-бирига ёв эмас

Қадим замонда Хитойда Ли-Ли исмли бир қиз турмушга чиқиб, ҳовлида эри ва қайнонаси билан яшай бошлади. Лекин қисқа вақт ичида қайнона билан бирга туриш ўта машаққат эканини тушунди. Фикрлари бир-бирига мос келмаганидан уйда ҳар куни жанжал бўларди. Аммо уларнинг жоғари тугамасди. Нима қилиш керак?

Ёш келин отасининг таниши бўлмиш бир табиб олдига бориб маслаҳат сўради. Кекса табиб ўтлардан тайёрланган бир суюқ дори бериб, дорини уч ой мобайнида ҳар куни қайнона таомига оздан аралаштириб беришни тайинлади. Шундай қилса қайнона заҳарланиб ўлиб кетармиш, ким ўлдиргани ҳам номаълумлигича қолармиш. Аммо табиб ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслик учун шу вақт ичида қайнонага яхши муомалада бўлишни, унга эътибор билан қараб, ширин-ширин таомлар тайёрлаб беришни, ҳар қандай хизматидан бўйин товламасликни ҳам тайинлади.

Хурсанд бўлиб уйга қайтган Ли-Ли табибнинг ҳамма айтганларини қилди, қайнонанинг хурматини жойига қўйди. Бундай эътибордан қайнона ҳам ўзгарди: келинга яхши гапирадиган, ўз қизидек қарайдиган бўлди. Хонадонда кундан-кунга ҳузур-ҳаловат, тотувлик, бахтиёрлик пайдо бўлди.

Аммо келинчак ўзини айбдор ҳис қила бошлади. Шундай яхши аёл билан олишиб юрганидан, ҳатто уни заҳарлашгача борганидан надомат чека бошлади. Охири виждони қийналиб табиб олдига борди. Бўлган воқеани айтиб, қайнонасини ўлимдан қутқариб қолувчи дори тайёрлаб беришни сўради. Шунда табиб кулиб, кампирга заҳар эмас, аксинча, қувват бўлувчи дори берганини, ҳақиқий заҳар эса қизнинг миясига ўрнашиб қолганини, келин қайнонага яхши муносабатда бўла бошлагач, қайнона қалбида ҳам меҳр-шафқат туйғуси уйғониб, келинини севиб қолганини айтди.

Қиссадан ҳисса шуки, қайнона ўзга уйда тарбияланган қизни уйига келин қилиб олиб келишдан олдин қизнинг ота-онасига берган ваъдасини унутмасин. Ваъдасида уларнинг қизини ўз қизидек кўришини, билмаган нарсасини ўргатишини, хато-камчиликларини кечиришини, уларни бартараф этишда кўмакдош бўлишини ва шунга ўхшаш кўплаб ваъдаларни берган эди. Ваъдага вафодорлик мусулмонликдан ва инсоний гўзал фазилатлардандир. Келин ҳам қизлик эркатойликларини унутиб, келинлик бурч ва вазифаларини адо этишга астойдил бўлсин. Қайнота қайнонасига, турмуш ўртоғига доимо чиройли муомалада бўлсин. Улар томонидан баъзи ноўрин ва қўпол муомалар бўлиб қолса, уни кўтара олсин ва кечира олсин. Суюкли эрининг ота-онасига ҳам меҳр кўрсатсин. Отажон-онажон дея гўзал муомалада бўлсин. Халқимизнинг: “Яхши сўзга илон инидан чиқади”, дегани бежиз эмас.

Аёлларга тавсия

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) оила бахти, тинчлиги, тотувлиги учун хотинларга эрларининг жинсий эҳтиёжини рад этмасликни кўп бора насиҳат қилганлар. Келинг, Пайғамбаримизнинг қизларига қилган насиҳатларига эътибор берайлик: “Эй Фотима, эринг сени ётоққа чақирганида рад этма. Бундай қилсанг, Аллоҳнинг лаънатига қоласан. Эй Фотима, яқинлик пайтида қувноқ бўл, токи эрингнинг муҳаббати ортиб, бошқага кўнгил қўймасин”.

Жинсий иш оила саодати учун муҳим ишдир. Жинсиёт эркаклар учун ейиш-ичишдек табиий эҳтиёждир. Жинсий иш эркаклар учун фақатгина тана эҳтиёжи эмас, айна пайтда севиш ва севилиш эҳтиёжидир. Жинсий иш мавзусида муаммога дуч келган жуфтлар арзимаган нарсага жанжаллашади. Натижада оиланинг бир маромдаги бахтли ҳаёти бахтсизлик томонга оға бошлайди.

Янги турмуш қурган икки ёш дастлабки кунларини ўтказишаётган экан. Келин уйғониб қараса кўёв ётоқхонада йўқ. Ошхонага бориб қараса кўёв нонушта тайёрлаб қўйиб, меҳмонхонада дазмол қилаётган экан. Келин жуда суюнибди. Кутганимдек эрга тегдим деб ўйлаб, унга кўринмасдан чала қолган уйқусини битириш учун ётоқхонага қайтибди. Озгина вақт ўтгач, эри уни уйғотибди. Аввал ошхонада тайёрланган нонуштани, сўнгра шкафдаги дазмол қилинган кийимларини кўрсатиб: “Севгилим, қилган ишларимга яхшилаб эътибор бер, ҳар куни тонгда шундай бўлишини хоҳлайман”, дебди. Эрининг айтган гаплари келиннинг барча севинчларини остин-устин қилиб

юборибди. Зеро, бу юмушлар келиннинг вазифаси эди.

Ўтмишни унут

Эркакларнинг ўтмиш билан унчалик ишлари йўқ. Ўтмиш аёллар учун қимматли. Аёллар ўтмишда қанча ёмон воқеалар бор бўлса, жуда ҳам қимматбаҳо хазинадек хотира сандиғида сақлашади. Ўша хотираларнинг чанг босишига умуман йўл қўйишмайди. Вақти-вақти билан чангини қоқиб туришади. Аммо ўтмишни чанги қоқилар экан, бугунни ҳам кир қилаётганининг фарқига боришмайди. Ҳолбуки, буни тушуниб етган аёл нақадар бахтли аёл бўлар эди. Аммо буни тушунувчи аёллар кам... Алишер Навоий бобомиз ҳам бу мисралари билан аввало аёлларга, сўнгра барчамизга хитоб қилмоқдалар:

*Мозию мустақбал аҳволин такаллум айла кам,
Не учунким, дам бу дамдир, дам бу дамдир,
дам бу дам.*

Севги

Янги оила қурган келин-куёвлар, шуни билингики, ҳамма нарсанинг илми бўлганидек, севиб ва севилиб яшашнинг ҳам илми бор. Севган кўнгил, севгини яшатадиган ақлдир. Севги кўнгилда туғилади, ақлда ўсади. Ақл севгини боқмаса, у севги қисқа вақтда нобуд бўлади. Севги меҳнат талаб қилади, киши севгилисининг доимий муҳаббатига эришиш учун эса тер тўкиши керак. Ўзаро муҳаббат давомли бўлишини хоҳласанг, севганингга қадамбақадам яқинлаш, унинг сўзларини кутиб ўтирма. Унга қўлинг, оёғинг, тилинг, кўзинг, қулоғинг,

ақлинг ва албатта, кўнглинг билан хизмат қил. Муҳаббат йўлидаги қийинчиликларни енгиб ўт. Севиш осон, севгини яшатиш қийин.

Пайғамбаримиз хотинларини ёқтиришларини айтишдан умуман уялмаганлар. Пайғамбаримиз бир неча марталаб инсонлар ичида кимни кўпроқ ёқтирасиз, деган саволга Ойшани (розияллоҳу анҳу), деб жавоб берганлар.

Ҳазрат Ойша (розияллоҳу анҳу) ёнларига келганларида: “Мен билан гаплаш, менга бирор нарса айтиб бер”, деб чарчоқларини хотинлари билан гаплашиб йўқотар эдилар.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): “Бир киши аёлига муҳаббат билан боқса ва аёли ҳам унга шу кайфиятда юзланса, Аллоҳ таоло иккаласига ҳам раҳмат назари билан қарайди. Ва қўлларини қўлларига қўйганларида, иккисининг ҳам гуноҳлари бармоқлари орасидан тўкилиб кетади”, дедилар.

2+1 формуласини ҳар кун ишлатинг

Бу формула – эрталаб ва кечқурунда иккита ширин сўз ва бир чиройли нигоҳ. Бу формула бахтли бўлишга интилиш формуласи. Чиройли нигоҳ – оддий бир қараш эмас, севги тўла майин бир нигоҳ. Ҳароратли бир қараш. Аёллар чиройли гапга тезда ошно бўлурлар. Бежиз аёл киши қулоғи билан яхши кўради, дейилмаган. Чиройли гапга ширин қараш қўшилса, формула юзага келади. Хотинга ёқадиган бир оғиз сўз ҳам у учун илтифотдир.

“Сени севаман”, деган сўз энг ширин сўздир. “Бугун жуда ҳам очилиб кетибсан”, деган каби сўз ҳам катта таъсирга эга. Масалан, бир киши хотинини “гулим”, деб чақирса, бу гапни эшитган аёли гулдек очилиб кетади.

Эркаклар хотинларга ёқадиган гапларни гапирса, хотинлар ҳам эркакларга ёқадиган ишларни қилишади. Биздан олдин ўтган донишмандлардан бири айтганки: “Кўздан олдин қулоқ ошиқ бўлар эмиш. Севгини парвариш қилган, яшатган қулоқдан қалбга кетадиган чиройли гаплардир”.

Аёлларнинг турмуш қуришига сабаб бир эркакнинг севгисига бўлган эҳтиёждир. Ваҳоланки, улар ота уйларида оч қолаётганлари йўқ эди. Эр аёлнинг қорнини қанчалик тўйдирса ҳам, севгисидан маҳрум қилса, оч қолдирганидир.

Қирқ йилдан бери бахтиёр яшаб келаётган оиладан муҳаббатларининг сабаби сўралганда, эр: “Биримиз бақирганимизда, иккинчимиз албатта, жим бўлар эдик. Ким ҳақ, ким ноҳақ деб тортишмас эдик”.

Эр-хотин бир-бирини қанчалар яхши кўрса ҳам оилада жанжаллар, хафагарчиликлар бўлади. Кўнгил қолишлар ғурур ва кибр сабабли хафагарчиликларга айланади. “Мен кечирим сўрайманми? У сўрасин”, каби гапларнинг ҳаммаси кибр ва ғурур сабаблидир. Шу боис халқда “Уй ичида аёлда ғурур, эркакда эса кибр бўлмаслиги керак”, дейилган.

КЕЛУР

Ҳар кишига яхшилик ишқу муҳаббатдан келур,
Дунёда бахти қаро бўлмоқ жаҳолатдин келур.

Ҳеч кимга обрў етишмас хилъати зебо билан,
Иzzату ҳурмат вале бирмунча хислатдин келур.

Ҳусни хулқ бирла адаблик некбахтлар васфидир,
Баҳрасиз қолмоқ адабдан нодон улфатдан келур.

Ким шарофат аҳли бирла бўлса, ул иззат топар,
Меҳру шафқат шуъласи нури ҳидоятдан келур.

Тил ширин бўлса агар, осойиш ўлгай умрлар,
Зулм ила қаҳру ғазаб дуди шақоватдан келур.

Сўзлама ёлғонни ҳаргиз ҳам қабиҳ алфозни,
Дўсту ошнодан жудо бўлмоқ қабоҳатдан келур.

Бу фазилат, Ҳушнудо, сенга ҳаводан келмагай,
Камтаринлик хуш қилиқ, қалби саломатдан келар.

Ҳушнуд (Аҳроржон Музаффархон ўғли)

Фойдаланилган манбалар, адабиётлар

1. Абдулазиз Мансур. “Қуръони карим маънолари таржима ва тафсири” –Тошкент, 2009.
2. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Ижтимоий одоблар”. “HILOL-NASHR”. Тошкент, 2012
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Бахтиёр оила”. “SHARQ” НМАК Тошкент, 2011
4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. “Одоблар хазинаси”. “SHARQ” НМАК. Тошкент, 2009
5. Интернет манбалари:
www.muslim.uz
www.islom.uz
www.muslimat.uz

МУНДАРИЖА

Сўзбоши ўрнида.....	3
Фарзандга чиройли исм қўйилади.....	4
Фарзанд дунёга келганда нималар қилинади?.....	6
Бадантарбия.....	7
Қиз фарзандлар тарбияси.....	7
Хусни хулқ.....	9
Ҳаё.....	10
Қаноат.....	11
Касб-ҳунар.....	13
Қирқ фарз баёни.....	14
Ғусл ҳақида.....	15
Ғусл қилиш одоблари.....	15
Ёшларни оила қуришга тайёрлаш.....	17
Оила жамиятнинг асосидир.....	18
Никоҳланиш.....	20
Тиббий кўрик.....	22
Никоҳни эълон қилиш.....	24
Тўйдан кейин.....	26
Яхши хотин.....	29
Нафақа ҳақидаги фасл.....	30
Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) суюкли қизлари	
Фотимаи Заҳрога насихатлари.....	31
Онанинг қизига қилган насихати.....	32
Эр-хотин одоблари.....	36
Эрнинг бурчлари.....	37
Хотиннинг бурчлари.....	41
Ота-она ҳурмати.....	44
Ота-она ҳаққига дуо қилиш.....	45
Бугунги кун.....	46
Огоҳлантириш.....	49
Кечиримли бўлинг.....	49
Қайнонага тавсия.....	50
Бир-бирига ёв эмас.....	51
Аёлларга тавсия.....	53
Ўтмишни унут.....	54
Севги.....	54
2+1 формуласини ҳар кун ишлатинг.....	55
Келур.....	57
Фойдаланилган манбалар, адабиётлар.....	58

Диний-ижтимоий нашр

МЎМИНЖОН САЙДАЛИЕВ

ЁШЛАРНИ ОИЛАГА ТАЙЁРЛАШ

Муҳаррир Абдумажид АЗИМ

Бадий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Толибжон ҚОДИРОВ

Мусаҳҳиҳа Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ 146. 2009.14.08.

Босмахонага 2014 йил 23 июнда берилди. Босишга 2014 йил 25
июнда рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108 ¹/₃₂.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 1,91. Шартли б. т.: 3,75. Адади: 2000 нусха.

_____ -сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movaqounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@yandex.ru*.

Тел: (8-371) 227-34-30

“Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011, Тошкент шаҳар Абдулла Қодирий кўчаси 11-уй.

Тел: 244-00-91

Факс: 244-00-65

E-mail: *info@tiu.uz*